Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48-йил чиқиши
30 № 96 (13.358) АПРЕЛЬ 1966 йил ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ОКРУГ САЙЛОВ ОЛДИ КЕНГАШЛАРИ БОШЛАНДИ

Москвада округ сайлов олди кенгашлари бошланди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев Бауман сайлов округидан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Ленинград сайлов округидан, «Красний пролетарий» заводининг донгдор йиғувчи слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. В. Ермилов Октябрь сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилсин, деб пойтахтдаги бир қанча корхоналар ва муассасалар сайлов олди йиғилишлари чиқарган қарорларни Бауман, Ленинград, Октябрь сайлов округлари меҳнаткашларининг вакиллари кенгашларда қувватлаб чиқдилар.

Кенгашларнинг қатнашчилари СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришни сўраб, Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва В. В. Ермилов ўртоқларга мурожаат қилдилар.

Округ сайлов олди кенгашларида Москва, Бауман, Ленинград ва Октябрь сайлов округлари меҳнаткашларининг вакиллари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Алексей Николаевич Косигинни Москва шаҳар сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида бир қанча корхоналар ва муассасаларнинг сайлов олди йиғилишлари чиқарган қарорларни қувватлаш ҳақида қарорлар қабул қилдилар.

Мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам округ сайлов олди кенгашлари бошланди.

(ТАСС—ЎзТАГ).

ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Советлар ўлкасига — тинчлик ва тенглик, озодлик ва бахт-саодат барқарор бўлган, дўстлик иплари турли эл ва элатларни ягона оилага жипслаштирган гул диёримизга бу байрам тантаналари айниқса зўр салобат билан кириб келмоқда. Қон-қардошлик ва биродарлигимизнинг мангу ўчмас машъаласи хонадонларимизга ёғду сочмоқда, қалбларимизга сўнмас ҳарорат бахш этиб, ҳаммамизни хушнуд этмоқда.

Ҳа, бизнинг жонажон ва бепоён Ватанимизда халқлар дўстлигининг илдизлари теран ва метиндек мустаҳкамдир. Бу дўстлик катта маъракаларимиздагина эмас, бошимизга қулфат тушганда айниқса бутун қирралари билан жилоланади, дўстнинг кўнглини меҳр-садоқат билан кўтаради, унга ҳамдард, ҳамкор, мададкор бўлади.

Бу — Советлар мамлакатида инсонийлик, инсонга ҳурмат ва эътибор бош масала қилиб қўйилганнинг ёрқин ифодаси, ажойиб намунасидир. Бу ғамхўрлик ва меҳрибонлик тимсолини бугун биз ўз республикамиз пойтахти мисолида кўриб турибмиз.

Табиат стихияси натижасида пойтахт аҳолиси бошига кулфат тушди. Бироқ шу заҳоти бутун мамлакат нигоҳи Тошкентга қаратилди. Қон-қардошларимиз қандай йўл билан бўлмасин ёрдам қўлини чўзишга тайёр эканликларини самимият билан билдирмоқдалар, Москва ва Ленинград, Урал ва Сибирь, Украина ва Белоруссия, Урта Осиё, Болтиқ бўйи ва Закавказье республикалари, хуллас бутун мамлакатимиздаги кўп миллионли ва кўп миллатли халқлар эътибори Тошкентга қаратилган.

Бугун пойтахт ҳаёти нормал изда. Фабрика ва заводларда, қурилиш ҳавозаларида, қудратли станоклар ёнида ҳамма-ҳамма ерда меҳнат қон томири гупиллаб уриб, пойтахт меҳнаткашлари шонли беш йиллик марралари сари илдам одимламоқдалар. Улар ҳамиша дўстлар қучоғида эканликларини, юксак меҳр билан қуршаб олинганликларини шу кунларда айниқса яққол ҳис этиб, қалблари она-Ватанга, ғамхўр ва меҳрибон шонли Коммунистик партияга, жонажон совет ҳукуматига, барча қардош халқларга чексиз садоқат билан тўлиб тошмоқда. Бу чексиз ғамхўрликлар уларни меҳнатда янги зафарларга ундамоқда, республикамиз қўлга киритган зўр ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай меҳнат қилишга чорламоқда. Республикамиз меҳнаткашларининг қўлга киритган ғалабаси эса беқиёс ва улкан.

Ўзбекистон ССР етти йиллик планнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши асосий тармоқларига доир топшириқларини шараф билан бажарди. Фан ва маданият тобора гуллаб-яшнамоқда, халқимиз фаровонлик даражаси анча кўтарилди.

Индустриямиз одимлари ҳаммамизни қувонтирмоқда. Утган етти йиллик мобаённда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 80 процент ошганлиги кимни қувонтирмайди, дейсиз! Оғир саноат тармоқлари айниқса жадал ривожланди. Республикамиз чинакам индустриал ўлкага айланди. Зангори ёқилғимиз қардош республикалар — Россия Федерацияси, Тожикистон, Қозоғистонга қалбларимиз ҳароратини элтмоқда. У домна ва мартен печларида пўлат эритмоқда, индустриал Урал станоклари ва турбиналарини ҳаракатга келтирмоқда.

Ўзбекистон бугун ўз «оқ олтин»и билангина эмас, балки соф олтини запаслари жиҳатидан ҳам етакчи ўринлардан бирига чиқмоқда, олтин қидириш ишлари эса бизда мамлакатдаги ўртача даражадан уч баравар арзонга тушмоқда. Янги-янги конлар борлиги аниқланмоқда ва уларни тезроқ очиб, ундаги бойликларни халқ хўжалигига инъом этиш юзасидан жадал ишлар олиб борилмоқда.

Республикамиз пахтакорлари, элни мўлкўл қишлоқ хўжалик маҳсулоти билан таъминлаётган азамат қишлоқ меҳнаткашлари кўлга киритган ютуқлар ҳам гоят қувонарли ва улкандир. Узбекистон ССР аҳоли жон бошига пахта етиштириш соҳасида дунёда биринчи ўринда турганлигини қайд қилиб ўтишнинг ўзи бизда деҳқончилик маданияти нақадар юксак даражага кўтарилганининг ёрқин далили бўла олади. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида республикамиз меҳнаткашлари улкан муваффакиятларга эришиб, мамлакатимизда коммунизм қурилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бизнинг кучларимиз беқиёс каттадир.

Ана шу қудратимиз манбаи, енгилмас кучимиз — партия ва халқнинг бирлигида, уларнинг ҳамкорлиги, ҳамфикрлигидадир. Бу монолит бирлик мавжуд экан, зафар марралари бизнини бўлаверади, порлоқ келажак барқ уриб бизга боқаверади.

Олдимизда турган вазифалар ниҳоят улкан ва шарафли эканлигини байрам олди дастурхони атрофида алоҳида таъкидлаб ўтиш анъанага айланиб қолди. Чунки биз босиб ўтган зафарларга, ойдин йўлимизга назар ташлаганда, келажак режаларини ҳам чизиб оламиз. Истиқбол режаларимизни эса партиямиз XXIII съезди аниқ ва равшан белгилаб берди.

Бу йил беш йилликнинг дастлабки йили. Янги марралар, янги зафарлар эгалланиб, зиммамиздаги вазифани шараф билан бажарадиган йилимиз. Пахтамиз ўтган йилгидан мўлроқ бўлсин, сут-ёғимиз кўпайсин; гўшт ва ширин-шакар меваларимиз элимиз дастурхонидан аримасин. Бу деҳқон дилидаги муддао. Шонли саноатчиларимиз ҳам янги зафарлар бўсағасида турибдилар. Улар халқимиз талаб ва эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш учун аъло сифатли маҳсулотлар етказиб беришлари керак, халқ хўжалигимизнинг барча буюртмаларини ўз вақтида етказиб беришлари зарур.

Республикамиз, айниқса пойтахт қурувчилари олдида турган вазифалар улканлигини бир зум ҳам унутиб бўлмайди. Улар пойтахтнинг жароҳатланган ерларини жадл тез суръатлар билан тузатиб олишлари, бошпанасиз қолганларнинг тезроқ янги уй-жойлардан ўрин олишларини таъминлашлари керак.

Пойтахтда аҳолига ёрдам кўрсатиш юзасидан тузилган комиссиялар, шунингдек партия, совет ташкилотларининг бутун диққат-эътибори зилзиладан зарар кўрган оилаларга ҳартарафлама ёрдам беришга қаратилмоғи лозим. Инсон қадр қиймати бизда гоят юксак эканлигини ҳар биримиз ҳар он ҳис этишимиз ва ана шунга қараб иш тутмоғимиз керак. Эртанги байрам маракамиз ҳаммамиз учун баравар хурсандлик бахш этсин. Унинг зўр шодиёнаси дилларимизни хушнуд этсин.

Янги зафарлар, янги меҳнат марралари бизга ёр бўлаверсин, азиз ватандошлар! Коммунизм тантанаси учун курашаётган ўлкамизнинг куч-қудрати мислсиз. Биз ана шу куч-қудратга янада қудрат қўшайлик, унинг халқаро обрў ва эътиборини ошириш учун ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшайлик!



Андижон районидаги Жданов номли колхознинг машҳур механизатори Жамолиддин Камолиддинов бошлиқ бригада коллективи мавжуд 55 гектар майдоннинг ҳаммасида чигитни бир текис ундириб олди ва дастлабки культивацияни бошлаб юборди. Суратда: ўртоқ Ж. Камолиддинов ўз трактори ёнида.

С. Безносов фотоси.

ПАРТИЯ ИШИГА СОДИҚМИЗ

Кеча Тошкент халқ хўжалиги институти профессор-ўқитувчилари, хизматчилари ва студентларнинг очиқ партия йиғилиши бўлиб ўтди. КПСС XXIII съезди якунларига бағишланган бу йиғилишда съезд делегати, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда институт партия комитетининг секретари доцент Г. Г. Мартиросянц, КПСС тарихи кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори М. Мусаев, молия-иқтисод факультети декани Т. Қосимов, институт ректори профессор М. Қориев, институт комсомол ташкилотининг секретари А. Бахирев ўртоқлар сўзга чиқиб, ўқув юртининг коллективи партия съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширишда муносиб ҳисса қўшишга тайёр эканлигини изҳор этдилар.

Очиқ партия йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, республика Олий ва Ўрта таълим министри Т. А. Саримсоқов ўртоқлар ҳам иштирок этдилар.

САЙЛОВ КУНИГА ТОРТИҚ ТАЙЁРЛАМОҚДАЛАР

ҲАТИРЧИ РАЙОНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА БЎЛАДИГАН САЙЛОВЛАР ШАРАФИГА ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Хатирчи райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг социалистик мажбуриятларини маъқуллади ва область ҳамда район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зиммасига хатирчиликларнинг ватанпарварлик ташаббусини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, колхоз ва совхозларда ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш суръатларини кучайтириш учун, гўшт, сут, тухум, пилла ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш планларини, шунингдек чорва моллар учун ем-хашак жамғариш юзасидан белгиланган топшириқларни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиш вазифасини юклади.

КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь (1965 йил) Пленумларининг қарорлари колхоз ва совхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан янада мустаҳкамлаш, пахта, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳамда барча соҳаларнинг рентабеллик даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берди, жойларда хўжалик ташаббусини намоён этиш учун кенг имкониятлар вужудга келтирди. Натижада район колхоз ва совхозлари капитал маблағлардан тўғри фойдаланиб, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлигини ошира бориб, етти йилликнинг охирги йили бўлган 1965 йилни муваффақиятли якунладилар. Пахтакорлар ҳар гектар ердан 23,9 центнердан ёки 1964 йилдагига нисбатан 4,5 центнер кўп пахта териб олдилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини етиштириш ҳам бир мунча кўпайтирилди. Чорвачиликдаги ишлар анча ўнглаб олинди.

Етиштирилаётган маҳсулотнинг рентабеллик даражаси ошди, иқтисодий иш яхшиланди. Колхозларнинг пул даромади 1964 йилдагига нисбатан 5 миллион 236 минг сўм кўпайди, қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлик даражаси янада ошди.

Биз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги марраларини белгиладик. Беш йилликнинг биринчи йилида 33.850 тонна пахта, 4950 тонна дон, 1671 тонна гўшт, 3015 тонна сут, 252 тонна жун, 147 тонна пилла, 840 минг дона тухум, 505 тонна сабзавот, 770 тонна полиз экинлари маҳсулоти, 220 тонна мева ва бошқа кўпгина маҳсулотлар етиштирамиз ва давлатга топширамиз.

Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, районнинг барча меҳнаткашлари КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг қизитиб, катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Гўшт, сут тайёрлаш квартал ва тухум тайёрлаш йиллик планлари муддатидан илгари адо этилди.

Пахтакорлар чигитни қисқа муддатларда экиб олдилар ва унинг нормал ривожланиши учун шароит вужудга келтирдилар.

Жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг рентабеллик даражасини ошириш чоралари кўрилмоқда. Чорвадорлар чорва моллар қишловини яхши ўтказдилар, молларнинг нобуд бўлишига йўл қўймадилар. Қўзилатиш компанияси муваффақиятли тугалланмоқда, ҳар юз бош совлиқдан 120 тадан қўзи олинди.

Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб ҳамда СССР Олий Советига бўладиган сайловлар шарафига социалистик мусобақани кенг қизитиб, ўз зиммамизга қўйидаги мажбуриятларни оламиз:

1. Пахтадан мўл ҳосил етиштирилишини таъминлаймиз. Бунинг учун ғўза парвариши билан боғлиқ бўлган агротехника тадбирларининг бутун комплексини юксак даражада ўтказамиз: чигитни бир текис ва тўла ундириб оламиз, 10 майгача барча майдонда яганалаш ва ғўза тупларини букетлашни тугаллаймиз. Ғўза парваришининг биринчи циклини 15 иш кунида тамомлаймиз ва СССР Олий Советига сайлов бўладиган кун — 12 июнгача органик ва минераль ўғитлар аралашмаси билан бир йўла озиқлантирган ҳолда ғўзани камида икки ярим марта парвариш қиламиз. Барча пахта майдонида ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишини таъминлаймиз. Ипак қурти боқишнинг айни авжи пайтида пахта далаларини бегона ўтлар босишига йўл қўймаймиз.

Сувдан тежаб-тергаб ва эффектив равишда фойдаланиш мақсадида группа бўлиб сувни бир жойга марказлаштириб суғориш методини кенг жорий этамиз. Ғўза ва бошқа экинларни суғориш учун ички сув ресурсларидан фойдаланамиз. Бунинг учун 38 та пармалаб қазилган қудуқни ишга туширдик ва коллекторлардан сувни чиқариб бериш учун зарур миқдордаги насосларни ўрнатдик. Сувдан фойдаланиш коэффициентини камида 90 процентгача етказамиз.

Қишлоқ хўжалик зараркунандалари экинларга зарар етказишига йўл қўймаймиз.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошка экишни энг қулай агротехника муддатларида тугаллаймиз, ана шу экинларнинг сифатли парвариш қилинишини таъминлаймиз ва улардан мўл ҳосил олинишига эришамиз.

2. Ҳозирги вақтда эътибор пичан ўришни қизитишга қаратилмоқда. Бунинг учун ҳозирнинг ўзидаёқ пичан ўриш техникаси тахт қилиб қўйилди, ем-хашак жамғариш бригадалари ташкил этилди. Майин танали пичанларни ўришни тугаллашни сусайтирмаган ҳолда, беданинг биринчи ўримнини қисқа муддатларда тамомлаймиз. Бедани парвариш қилишни ташкил этамиз ва уни 5 марта ўриб оламиз. Камида 38 минг тонна ёки планда белгиланганидан 20 процент кўп дагал хашак тайёрлаймиз.

Маккажўхори экишни 5 майгача тамомлаймиз, уни ўз вақтида парвариш қиламиз, озиқлантирамиз ва суғорамиз. силосбоп қўкпоя ҳосилининг мўл бўлиши учун барча чораларни кўрамиз. Маккажўхоридан силос бостиришга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган ишларни сира кечиктирмасдан қизитиб юборамиз.

Озуқа тайёрлаш ва ишлаб чиқаришда банд бўлган одамларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирларидан кенг фойдаланамиз.

3. Ғалла ўрим-йиғимини ўз вақтида бошлаш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида барча техникани намунали тайёрлаймиз, ўрим-йиғим ишларини 20 иш кунида тугаллаймиз, уруглик ва чорва молларга едириш учун фондлар вужудга келтирилишини таъминлаймиз, дон тайёрлаш планини ўз вақтида бажарамиз.

4. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ярим йиллик ва йиллик планларини муддатидан илгари бажарамиз: 1 июнгача қоракўл тери ва пилла тайёрлаш йиллик планини, 10 июнгача давлатга гўшт сотиш ярим йиллик планини, 12 июнгача сут тайёрлаш ярим йиллик планини адо этамиз. Йиллик планга қўшимча равишда 300 минг дона тухум топширамиз. Давлатга жун топшириш йиллик планини баҳорги жун қирқиш ҳисобидан 70 процент миқдорида бажариш мақсадида қўйларнинг жунини қирқишни уюшқоқлик билан қисқа муддатда ва сифатли ўтказамиз.

Биз ўз зиммамизга юксак социалистик мажбуриятлар олар эканмиз, беш йилликнинг биринчи йили планларини муваффақиятли бажариш учун курашга янги салмоқли ҳисса қўшиш мақсадида қўлимиздан келган барча зарур чораларни кўрамиз.

ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИНИ ТУГАТИШ
РЕСПУБЛИКА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДА

Тошкентдаги зилзила муносабати билан республика ҳукумати аҳолига ёрдам бериш чораларини кўрмоқда.

Республика ҳукумат комиссиясидан олинган маълумотларга қараганда, ер қимирлаган пайтдан буён 2722 оила шикастланган уйлардан янги уйларга кўчирилди, вақтинча қариндош-уруғларининг уйларига жойлаштирилди.

Шикастланган кўпгина уй-жойларнинг ҳовлиларида вақтинча яшаш учун чодирлар ўрнатилди. Бундан ташқари, икки-уч кун ичида яна 1000 га яқин оила янги уйларга кўчирилади.

Бинолар ва иншоотлар ҳамма жойда қараб чиқилмоқда, уларнинг ҳолати аниқланиб, зарур чоралар белгиланмоқда.

Меҳнаткашлар депутатлари район Советлари ижроия комитетлари шикастланган уйлардан кўчирилаётган гражданларга бепул автотранспорт ва ишчи кучлар ажратиб бермоқда.

Зилзила натижасида шикастланиб ёпилган даволаш муассасаларини жойлаштириш учун икки интернат-мактаб, Ўзбекистон касаба союзлари комитетининг иккита дам олиш уйи, лойиҳа институтларининг икки биноси ва ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг биноси ажратиб берилди. (ЎзТАГ).

Тошкент аҳолисига ёрдам

СССР Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари союзи ижроия комитетининг президиуми табиий офат — зилзиладан зарар кўрган Тошкент шаҳри аҳолисига ёрдам кўрсатиш учун ўз маблағларидан 100.000 сўм ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. (ТАСС).

Зилзила натижасида бошпанасиз қолган тошкентликлар Чилонзордаги янги уйларга кўчиб кирмоқдалар. Суратда: Тошкентнинг Муқимий кўчасидаги уйларга кўчиб кираётган нишиларни кўриб турибсиз.

И. Глауберзон фотоси.

ЗИЛЗИЛАНИНГ САБАБЛАРИ

СЎЗ—СЕЙСМОЛОГЛАРГА

Ер ички тузилиши жиҳатидан мураккабдир. Геофизик маълумотларга кўра, планетамиз асосан уч қисмдан: ядро, ядро қобиғи ва Ер қобиғидан иборат. Ер қобиғини нўз олдингизга келтириш учун қуйидаги таққосга мурожаат этишингиз мумкин: агар каттакон олмани Ер шари деб фараз қилсак, унинг юпқа пўсти ер қобиғини ташкил этади. Ер қобиғи асосан гранит ва базальт моддалардан иборат. Ер ядроси қобиғи эса анча юмшоқ нўринишга эга. Ер ядроси ўзининг физик хусусиятлари билан суюқлик моддага жуда ҳам яқиндир. Ернинг мана шу уч асосий қисми ўз навбатида турли мураккаб процессларга эга.

Биз Ер устида яшар эканмиз, гўё Ер сира қимирламаётганга ўхшаб туйилади. Аслида эса зилзилалар ҳеч вақт бўлмайдиган жойларда ҳам Ер қобиғида маълум ўзгаришлар ва процесслар юз бериб туради. Бир хил жойлар аста-секин нўтарилади, бошқа жойлар эса пасаяди. Бундай ҳаракат йил давомида миллиметрлар даражасида бўлгани учун уни сезиш қийин. Ленин шунга қарамай, мана шу кичик ўзгаришлар натижасида кейинчалик тоғлар, чуқурликлар пайдо бўлиб, материкнинг кўринишини ўзгартира боради. Олимларнинг ҳисобига кўра, агар узлуксиз равишда тоғлар пайдо бўлиб бормаганда эди, шамол, сув ва қуёшнинг кучи 1 миллион йил давомида Ернинг юзини худди биллиард соққасидек теп-текис қилиб юборар эди.

Буларнинг ҳаммаси Ернинг ички қисмида узлуксиз равишда турли физик-химик процесслар давом этишини кўрсатади. Бу процесслар планетамиз пайдо бўлган даврдан бошлаб (бундан 4-5 миллиард йил бурун) ҳозирги кунгача ҳам бирон дақиқа тўхтаган эмас.

Хўш, бу процессларнинг ўзи нима? Улар жуда ҳам хилма-хилдир. Ер остидаги баъзи элементларнинг радиактив кўпорилиши натижасида жуда кучли энергиянинг пайдо бўлиши, Ернинг устки қисмида температуранинг бир хилда тақсимланмаслиги ва Ернинг айланишига боғлиқ бўлган яна бошқа жуда кўп сабаблар мана шу процесларни вужудга келтиради.

Кўз олдингизга таранг тортилган оддий арқонни келтиринг. У қанчалик куч билан тортилса, аста-секин толалари узила бошлайди. Энг аввало таранг тортилган ва мустаҳкам бўлмаган толалар ишдан чиқиб, кейин арқон узилади. Худди шундай қатламлар узилиши ҳодисаси Ер қобиқларида ҳам рўй бериб туради. Натижада зилзилалар пайдо бўлади. Тоғ жинсларини ёриб, суриб кетишга интилган куч қанчалик кўп йиғилса зилзиланинг қуввати ҳам шунчалик катта бўлади. Шунинг учун ҳам кучсиз зилзилалар қанчалик тез бўлиб турса, йиғилиб қолган катта кучни аста-секин камайтириб, хавфсиз ҳолга келтиради. Шу кунларда Тошкентда зилзиладан кейин рўй бераётган кучсиз ер тебранишлари ҳам худди мана шу сабабларга асосан бўляпти. Бу тебранишлар ҳеч қандай хавф тугдирмайди, балки қисилиб турган энергияни аста-секин камайтириб, йўқ қилиб юборишда аҳамияти катта.

Олимлар олиб борган текшириш натижалари шуни кўрсатадики, кўп зилзилаларнинг келиб чиқиш ўчоғи кўпинча 50 километрдан паст бўлмаган чуқурликда рўй беради. Лекин 700 километр чуқурликда пайдо бўлган манбаълар ҳам маълум. Масалан, Тошкентда ҳам сезиладиган Афғон зилзилаларининг пайдо бўлиш чуқурлиги 300 километрга яқин. Фарғона водийсида, Чотқол тоғларида системасида рўй берадиган зилзилалар манбаи эса 30 километр чуқурликни ташкил этади.

Ҳозир Тошкент шаҳрида турар-жой бинолари ва саноат корхоналари қурилиши кенг кўламда олиб борилмоқда. Кўз олдимизда пойтахтимиз борган сари кўркамлашиб, кенгайиб бормоқда. Яқин йиллар ичида Тошкент метрополитени қурилади, лифт билан чиқиладиган кўп қаватли бинолар барпо этилади...

Шу билан бирга сейсмика соҳаси ҳам ривожланиб боради. Бундан икки йил олдин Тошкентга автоматик сейсмик станциянинг замонавий янги асбоблари олиб келинди.

26 апрель куни эрталаб соат 5-у 23 минутда Тошкентда рўй берган зилзила ҳам шаҳар остидаги қатламларнинг қўчиши натижасида содир бўлди. Мана шу қатламларнинг нўчиши натижасида сейсмик энергия пайдо бўлди ва зилзиланинг кучи 7,5 балга етди. Зилзила ўчоғи 8 километрга яқин чуқурликда пайдо бўлди. Шуни қайд қилиш керакки, тоғлардан иборат бўлган Ўрта Осиё кўчма ер қатламларига жуда ҳам бойдир. Худди шунингдек, Тошкент жойлашган ер ҳам мана шу сейсмик зоналар қаторига киради. Масалага геологик нуқтаи назардан ёндошилса, мутахассисларни ҳайратга туширадиган ҳеч қандай воқеа содир бўлгани йўқ. Ҳозир ҳам такрорланиб турган кучсиз тебранишлар зилзила марказига хос бўлган хусусиятдир. Бу тебранишлар анча давом этиши мумкин. Лекин у тобора нучсизланиб ва камайиб боради. Шунинг учун, бу процесс яна қайтарилади дейишга ҳеч қандай асос йўқ.

Аксинча, нузатишлар шуни кўрсатяптики, ер тебранишлари борган сари бўшашиб, ўчаяпти. Айрим шаҳслар томонидан, яқин кунларда яна зилзила бўлади, деб тарқатилаётган уйдирма гапларга ишонмаслик керак.

В. УЛОМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси геология ва геофизика институти директорининг ўринбосари, «Тошкент» марказий сейсмик станциясининг мудири.

Л. И. БРЕЖНЕВ БИЛАН А. Н. КОСИГИН КУБАНДА

КРАСНОДАР, 28 апрель. (ТАСС мухбири) Бугун КПСС Марказий комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Тошкентдан Москвага бора туриб, Кубанга келишди. Аэродромда Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқларни КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари Г. С. Золотухин, ўлка ижроия комитетининг раиси И. Е. Рязанов, раҳбар партия ва совет ходимлари кутиб олишди.

Л. И. Брежнев билан А. Н. Косигин ўлка районларига боришди. Улар Кореновский районидаги Киров номли коммунистик меҳнат колхози далаларида бўлишди, кузги буғдой ва арпа экинларини кўздан кечиришди, дала ишларининг борыши билан танишиб чиқишди.

ЗЎР ЯКДИЛЛИК БИЛАН

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари энг муносиб кишиларини СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатмоқдалар.

Республиканинг сайлов округларида бўлаётган сайлов олди йиғилишлари партия билан халқнинг монолит бирлигини, ишчилар, колхозчилар ва интеллигенциянинг КПСС XXIII съезди белгилаб берган буюк яратувчилик ишлари программасини муваффақиятли суратда амалга оширишнинг ҳозирги астойдил интилаётганликларини янги куч билан намойиш қилмоқда.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

«Ўзбекуголь» комбинатининг 9-шахтаси коллективи Ўзбекистон касаба союзлари совети раиси **Миргиёс Аббосович Зоидовни** Оҳангарон сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

Қўқондаги 4-ўрта мактабнинг ўқитувчилари КПСС Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Николай Викторович Подгорнийни** ва химия фанидан ўқитувчи **Антонина Лаврентьевна Сорокинани** Қўқон сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

Андижондаги Володарский номли тикувчилик фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети фан ва техника давлат комитетининг раиси **Владимир Алексеевич Кириллнини** Андижон сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб тавсия этдилар.

Янгиқўрғон районидаги «Октябрь» колхозининг меҳнаткашлари Андижон область партия комитетининг биринчи секретари **Ашур Ҳайдаровни** Чортоқ сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

Термиз маҳаллий радиоэшитириш ходимлари сайлов олди йиғилишида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги радиоэшитириш ва телевидение комитетининг раиси **Николай Николаевич Месяцевни** Термиз сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб тавсия этдилар.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ

Урганчдаги ёғ заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилиши Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари **Бектош Раҳимович Раҳимовни** Урганч сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

БУХОРО ОБЛАСТИ

Бухоро тикувчилик фабрикасининг коллективи КПСС Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Андрей Павлович Кириленконни** ва СССР Газ саноати министри **Алексей Кириллович Кортуновни** Бухоро шаҳар сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Вобкент районидаги Жданов номли колхознинг аъзолари КПСС Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Пётр Ефимович Шелестни** ва шу колхоздаги илғор бригада бошлиғи **Акрам Мавлоновни** Бухоро қишлоқ сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

26 Боку комиссари номидаги пиллакашлик фабрикасининг коллективи КПСС Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Кирилл Трофимович Мазуровни** ва тўқувчи **Галина Степановна Карповни** Самарқанд шаҳар сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Нарпай районидаги «Иттифоқ» колхозида ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти **Обид Содиқов** Каттақўрғон сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Булунғур районидаги «Октябрь» колхозида ўтказилган йиғилишда ёзувчи **Вадим Михайлович Кожевников** Булунғур сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

МУКОФОТ МУБОРАК, АЗИЗ ОНАЛАР!

Ўзбекистон ССРда яшовчи кўп болали оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони бериш тўғрисида

Ўн бола туғиб, тарбиялаб ўстирган қуйидаги оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин, «Қаҳрамон она» ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиғи топширилсин:

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

1. **Абдураҳмонова** Аминахон — рўзғор ишидаги аёл, Наманган шаҳри.
2. **Абдувалиева** Инобатхон — рўзғор ишидаги аёл, Наманган шаҳри.
3. **Аҳмедова** Майрамхон — рўзғор ишидаги аёл, Москва районидаги Москва посёлкаси.
4. **Болтабоева** Тожихон — рўзғор ишидаги аёл, Учқўрғон районидаги Шаҳрихончек қишлоғи.
5. **Бекмуродова** Бувинисо — рўзғор ишидаги аёл, Задарё районидаги Гуртепа қишлоғи.
6. **Жўраева** Мавлуда — рўзғор ишидаги аёл, Наманган шаҳри.
7. **Зокирова** Бувтожира — Янгиқўрғон районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.
8. **Каримова** Эътиборхон — рўзғор ишидаги аёл, Избоскан район Пойтуғ қишлоғи.
9. **Расулова** Пайзихон — рўзғор ишидаги аёл, Андижон шаҳри.
10. **Соттиева** Сожида — рўзғор ишидаги аёл, Янгиқўрғон район Хўжашўркент қишлоғи.
11. **Улугова** Ҳамидахон — ишчи аёл, Андижон шаҳри.
12. **Шарипова** Клавдия Прокофьевна — рўзғор ишидаги аёл, Наманган шаҳри.
13. **Ёқубова** Саодатхон — рўзғор ишидаги аёл, Избоскан район Избоскан қишлоғи.

БУХОРО ОБЛАСТИ

14. **Абдуллаева** Хубон — рўзғор ишидаги аёл, Бухоро шаҳри.
15. **Омонова** Мушарраф — Ромитан районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.
16. **Ботирова** Малика — Ғиждувон районидаги «Тошработ» колхозининг аъзоси.
17. **Гадоева** Зиёда — Бухоро районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.
18. **Қобилова** Саломат — Бухоро районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоси.
19. **Курбонова** Ўғил — рўзғор ишидаги аёл, Қоровул районидаги Қоракўл станцияси посёлкаси.
20. **Намозова** Нор — Ғиждувон районидаги «Ленинизм» колхозининг аъзоси.
21. **Ражабова** Муаззам — Ромитан районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.
22. **Сафарова** Ҳабиба — Ғиждувон районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.
23. **Себешко** Нина Николаевна — рўзғор ишидаги аёл, Когон районидаги «Бухоро» совхози посёлкаси.
24. **Тўхтаева** Раҳима — Ғиждувон районидаги «Гулистон» колхозининг аъзоси.
25. **Умурова** Шафоат — Вобкент районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.
26. **Уринова** Нурбиби — Ғиждувон районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.
27. **Ҳамроева** Мунаввар — Ромитан районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.
28. **Эгамова** Маъфират — Ромитан районидаги Жданов номли колхоз аъзоси.
29. **Эргашева** Мусаллам — Ғиждувон районидаги «Гулистон» колхоз аъзоси.
30. **Юсуфова** Олтин — рўзғор ишидаги аёл, Вобкент районидаги «Шофрикон» совхози посёлкаси.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

31. **Зубайдуллаева** Ҳикоят — рўзғор ишидаги аёл, Шаҳрисабз шаҳри.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

32. **Абдураззоқова** Ўралой — Пайариқ районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.
33. **Аминова** Ибодат — рўзғор ишидаги аёл, Иштихон районидаги Иштихон қишлоғи.
34. **Аннақулова** Хуррам — Пастдарғом районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.
35. **Аҳмедова** Шарбат — Ғаллаорол районидаги 1-«Ғаллаорол» совхозининг ишчиси.
36. **Бобоёрова** Мели — Ургут районидаги Крупская номли колхоз аъзоси.
37. **Боҳовуддинова** **Феруза** — рўзғор ишидаги аёл, Иштихон районидаги Митон қишлоғи.
38. **Бозорбоева** Тошбуви — рўзғор ишидаги аёл, Пайариқ район Жавшар қишлоғи.
39. **Бутаева** Шароф — рўзғор ишидаги аёл, Нурота районидаги Жўш қишлоғи.
40. **Ваҳобова** Мафират — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд шаҳри.
41. **Жабборова** Ҳаловат — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд шаҳри.
42. **Жўраева** Айлар — Ғаллаорол районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.
43. **Жиянова** Маҳар — Нарпай районидаги «Октябрь» колхозининг аъзоси.
44. **Искандарова** Майрам — Нарпай районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.
45. **Эшонқулова** Ҳадича — Иштихон районидаги «Правда» колхозининг аъзоси.

(Давоми тўртинчи бетда).

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг назарий ва сиёсий журнали «Ўзбекистон коммунисти»нинг 4-сони босмадан чиқди.

«КПСС XXIII съезди қарорларини амалга оширайлик» рубрикаси остида «Ленин йўлидан» сарлавҳали бош мақола, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари И. Анисимниннинг «Хўжаликка партия раҳбарлигининг ленинча принциплари», иқтисод фанлари кандидати М. Ҳусановнинг «Колхозларда хўжалик ҳисоби», У. Муллажонов, С. Қойнинг «Шоли етиштирувчи йирик район» сарлавҳали мақолаларини ўқиш мумкин.

Журналнинг «Идеология ва маданият» бўлимида М. Муҳиддинов «Меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашга ҳамиша эътибор берайлик» сарлавҳали мақоласи билан қатнашган.

Тарих фанлари кандидати А. Водолазскийнинг «Партия турмушининг бузилмас қонунлари» сарлавҳали мақоласи ҳамда «Методик маслаҳатлар» рубрикаси остида «КПСС тарихи», «Сиёсий-иқтисод асослари» курсларига доир навбатдаги темалар берилган.

Урганч шаҳрида яна бир янги бино қад кўтарди. Сиёсий маориф уйига мўлжалланган бу бинода катта лекция зали, нутубхона, лектор ва пропагандистлар шуғулланадиган кўпгина хоналар бор. Суратда: янги бинонинг кўриниши.

В. Сироткин фотоси.

ТАРБИЯ МАВЗУИДА

ДИЛБАНДИМИЗ ЎҚИЯПТИ

Озод бошқа болалар сингари ёш вақтидан мактаб остонасини кўра олмади. У қар куни эрталаб кўча эшиги олдида қўлтиқ таёғига суяниб турар экан, мактабга ўтиб кетаётган болаларни, тенгқурларини кўриб, уларга ҳавас қилар, шу болаларга ўхшаб, ўқишга бораолмаганидан, ғалаговур кўчаларда чопқиллаб юролмаганидан юраги эзиларди.

Тўнғич фарзандимиз Озод бундан ўн беш йил аввал касалга йўлиқиб, оёқдан ажралди. Озодни қўлтиқ таёқсиз юргизишнинг иложини топа олмадик.

1965 йил оиламизга чексиз шодликлар келтирди. Озод мактабга боролмаса ҳам ўқишни бошлади! Чилонзор районидаги 84-мактаб директори Фахриддин Муҳитдинов педагоглар билан маслаҳатлашиб, Озодни ўқитишмоқчи бўлишди. Ўқитувчилардан М. Иброҳимова, Р. Мусина, Н. Ҳакимов, У. Акрамов, М. Ниёзова, Барноева, Раҳматовалар уйимизга келиб, Озодни ўқита бошлашди. Бошимиз кўкка етди. Шу куни ҳовлимиз тўй тусини олди.

Эртасигаёқ Озоднинг хонасида, деворда дарс жадвали пайдо бўлди. Унда арифметика, она тили, география, тарих, ботаника каби фанлар ўқитилиши кўрсатилган эди. Саксон тўртинчи мактаб ўқитувчилари эринмай, қимматли вақтларини аямай, қуёшли кунларда ҳам, қор-ёмғирли пайтларда ҳам уйимизга келиб Озодга икки соатдан дарс бериб кетишяпти. Айниқса саксон икки ёшли онамиз ўзида йўқ хурсанд.

— Мактабга боролмайдиган болаларнинг уйига етти-саккизталаб муаллимлар келиб дарс беришини фақат шу замонда кўриб турибман, — дейди у шодликдан энтикиб.

Ҳар қандай ота-она фарзандининг келажакда эл-юртга муносиб, одобли, маданиятли киши бўлиб камол топишини, унинг келгуси турмуши ширин ва сермазмун ўтишини орзу қилади. Уйимизга келиб, ўғлимиз Озодни қўйитаётган 84-мактаб ўқитувчилари шундай орзумизни рўёбга чиқаришда бизга сидқидилдан ёрдам кўрсатяптилар. Оддий бир инсонга, биз жонимиздан азиз кўрган фарзандимизга шунчалар меҳрибонлик, ғамхўрлик кўрсатган мактаб муаллимларидан беҳад хурсандмиз, миннатдормиз.

Эргаш СОИПОВ,
шахсий пенсионер.

ЖАВОБ БЕРИНГ, ДАДА!

Ҳурматли редакция! Ҳозирги кунда юрагимизни ўртаган бизни ғашликка солган дардимизни сизлар билан баҳам кўрмоқчимиз.

Дадамиз Исмонжон Раҳимов ўн етти йил давомида Оминахон онамиз билан бирга турмуш кечирди. Шу давр мобайнида биз — Зариф, Шариф, Шуҳрат, Шавкат, Равшаной, Фирдавсхонлар дунёга келдик. Биз ҳам барча болалар сингари ниҳоб, кувонич ўсаётган эдик. Лекин кейинги вақтда отамизнинг феъли ўзгарди. Оиладан файз-барака кетди. Айтишича, у ўн етти йилдан кейин онамизни ёқтирмай қолибди. У Қодир исмли студент йигитни ўртага солиб, онамизга ноҳақ таъна-маломат тошларини ёғдирди, судга берди. Андижон шаҳар ва область судларининг мажлисида ҳам онамиз ноҳақ айбланди.

Онамиз ўринсиз таъна, туҳматлардан Андижонда туроладигандошларининг, аввал Қўқонга, сўнг Жалолободга кетиб қолди. Шундан кейин бешимизга кийин кунлар тушди. Дадам Санобар деган бир бефарзанд таннозга уйланди. Дадам Москва — Андижон поездида ишлаб юриб, топиб келган ноёб молларни бу жувон бозорда пуллаб берар экан.

Бизга она бўлиб келган бу аёл дадам Москвага кетиши билан уйга катта қулфни осиб, қаёққадир ғойиб бўлади. Бизга на озиқ-овқат, на кийим-бош қолдиради. Бир йили ака-укалар маслаҳатлашиб, онамизни қидириб Жалолободга жўнадик. Она эмасми, бизни меҳр билан, қучоқ очиб қарши олди.

1965 йили дадамнинг ғиғоси билан онамиз ишдан бўшатгач, моддий жиҳатдан қийналиб қолдик. Шунинг учун болалардан учтамиз Зариф, Шариф ва Равшанойлар ота даргоҳига қайтдик. Лекин, бу ерда биз учун шароит аввалгидан ҳам оғирлашди. Шундан сўнг биз яшаётган маҳалла комитетидан ёрдам сўрадик. Маҳалла комитетидан ўртоқ Ашуров ҳам «Болаларингизга қаранг» деб отамни огоҳлантирди. Лекин, отам кишиларнинг гапига қулоқ солмади.

Мана, ҳозир уч бола Жалолободда онамиз билан яшаяпти. Қолган учтамиз Андижонда катта бувимизнинг тарбиясидамиз. Зариф Андижон педагогика институтида ўқийди. Равшаной мактаб-интернатда. Мен, Шариф, 14- мактабнинг ўнинчи синфида ўқийман. Жалолободдаги укаларимиз ҳали ёш, 1-2-7-синфларда ўқишади. Дадам уларнинг кийим-бошидан ҳам, дафтар-китобидан ҳам хабар олмайди.

Севимли газетамиз орқали дадамга айтадиган икки оғиз гапимиз бор: «Дада, ҳар бир бола ўзини тарбиялаб вояга етказган ота-онаси билан фахрланади. Чунки ота-оналари уларни жондан азиз кўриб, атрофида парвона бўлиб, бошини силашади. Афсуски, Сиз ана шундай бахтли отолар қаторига қўшилолмадингиз. Фақат ўзингизни ўйладингиз, биз — бегуноҳ болаларни ўйингиздан ҳайдаб, кўча-кўйларга ташлаб қўйдингиз. Бизларга қарамасангиз, кимлар учун мол-дунё орттирдингиз? Қани, газетхонлар миннатдор ва ҳамхўр, меҳрибон ота-оналар олдида айтингчи, нега шундай қилдингиз? Жавоб беринг, дада!

Зариф, Шариф, Шуҳрат РАҲИМОВлар
Андижон шаҳри.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИДА босилгандан КЕЙИН

«МАНСАБГА ИНТИЛИБ»

Сурхондарё область партия комитети хабар қилади:

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 10-февраль сонида босилган «Мансабга интилиб» сарлавҳали танқидий мақолада Шўрчи районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси Қобил Абдираимовнинг кирдикорлари фош этилган эди. Текширишда танқидий мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Сурхондарё область партия комитетининг шу йил 21 мартда бўлиб ўтган бюроси Қ. Абдираимовни партия сафидан ўчирди. У игвогар сифатида жиноий жавобгарликка тортилди.

РЕЖАСИЗ ИШ — ҚОЛИПСИЗ ҒИШТ

Ўзбекистон СССРнинг асосий пахта базаси бўлиб келди, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. КПСС XXIII съезди Директиваларида пахтачиликни ривожлантиришнинг комплекс вазифалари қўйилмоқда. Бу улкан вазифаларни муваффақиятли бажариш, республикамизда пахтачиликни юксалтириш учун минерал ўғитлар, ирригация ва пахтачилик машиналари, химиявий дориворлар ва дефолиантлар ишлаб чиқаришни яна ҳам кўпайтириш лозим бўлади.

Фарғона водийси республикамиз пахтачилигининг суянган тоғи. Бу ерда минерал ўғитлар билан бирга дефолиантлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги мутлақо табиийдир. Аммиак селитраси пахта далаларининг асосий озуқаси ҳисобланса, хлорат магний дефолианти ҳосилни машиналар билан териб олишдан аввал ғўзага сепиладиган жуда зарур воситадир. Ҳар йил кузда республикамизда дефолиантларга катта эҳтиёж сезилмоқда. Чунки пахтани машиналар ёрдамида териб олиш тобора кенг йўлга қўйилмоқда. Бу йил республика хўжаликларини дефолиантлар билан таъминлаш вазифаси муваффақиятли амалга оширилиши мумкин эди. Лекин бир ишкаллик чиқиб қолди. Шу ҳақда муфассалроқ фикр юритишни лозим топдик.

Ўтган йил 3 декабрда заводимизда дефолиантларнинг дастлабки тонналарини ишлаб чиқаришга эришдик. Дефолиантлар ишлаб чиқарувчи ускуналарни созлаш ишлари белгиланган муддатдан 15 кун олдин тугалланди. Дефолиант пахта теримини механизациялашнинг энг муҳим воситаларидан ҳисобланади. Корхонамизнинг ҳар бир ходими буни жуда яхши англаган ҳолда ғайрат-жишоат билан меҳнат қилди, қўйилган вазифани кўнгилдаридек адо этиш учун ҳамма тадбирларни кўрди. Натижада мамлакатимиздаги техникавий жиҳатдан мураккаб ишлаб чиқариш комплексларидан бири барвақт фойдаланишга топширилди. Цех ишга туширилиши билан янги қувватнинг тезроқ лойиҳадаги даражада ишлашини таъминлаш учун кураш қизиб кетди. Беш йилликнинг биринчи йили ҳосилини йиғиштириб олиш бошлангунча планга қўшимча равишда бир неча юз тонна дефолиант тайёрлаб чиқаришга бел боғланди.

Шундай бир пайтда хлорат магний дефолианти ишлаб чиқариш проблемалари билан шуғулланувчи илмий текшириш институтидан кўнгилсиз хабар келди. Заводда дефолиант ишлаб чиқариш учун ғамлаб қўйилган хом ашёдан фойдаланмаслик ҳақида кўрсатма олинди. Хлоратли магний ёки бемофит деб номланувчи бир неча юз тонна хом ашё заводга чет элдан келтирилган эди. У вақтда институт ҳеч нарса демаганди. Ушанда ҳеч нарса демаган институтдаги алоқадор ўртоқлар кейинчалик мамлакатимизда ишлаб чиқарилган хом ашёдан 50 процент қўшган ҳолда чет элдан келтирилган хом ашёни ишлатиш мумкинлигига розилик беришган эди. Ахир, Иттифоқимизда биргина жойда — фақат Украинадаги заводгина бемофит ишлаб чиқаради-ку! Бу корхонанинг маҳсулоти химия саноатимиз эҳтиёжларини қоплашга етмаганлиги сабабли ишлаб чиқарилмаётгани маълум. Завод ғамқувват. У бизнинг корхонамизга ўхшаган биргина заводни ҳом ашё билан аранг таъминлаб турибди.

Бизнинг заводимизга ҳом ашё етказиб бериш лозим бўлган «Карабогазсульфат» корхонаси кўп вақтдан буён бемофит ишлаб чиқариш бўйича қувватларни қуриб тамомлай олмаётир. Дастлабки маҳсулотларни шу йил биринчи кварталда етказиб беришга ваъда қилишганди. Кейинчалик иккинчи кварталда албатта ҳом ашё юборамиз, дейишди. Мана, ҳозир учинчи кварталда ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши гумонлиги маълум бўлиб қолди. Бу бизни ғоят ташвишга солмоқда. Биз ҳам мажбурият олганмиз, планни бажаришимиз керак, пахтакорларга ваъда қилганмиз. Яқинда хом ашё етказиб берувчи корхона бизга зарур бўлган хом ашёни тўртинчи кварталда ишлаб чиқаришини маълум қилди. Шунга кўра биз ҳам иккинчи квартал планимизни тўртинчи кварталга кўчиришимиз керакми? Хайриятки, корхонамизнинг дефолиантлар ишлаб чиқариш комплекси ярим қувват билан ишламоқда. Тўла қувват билан ишлаганда кўринг эди томошани. «Режасиз иш — қолипсиз ғишт» деб шуни айтсалар керак-да!

Бу йил ҳам ўтган йилги аҳвол такрорланмоқда. Планлаштарувчи ташкилотлар ҳали заводнинг дефолиант комплекси ишга туширилмасдан аввал унга план белгилаб қўйган эдилар. Бунинг устига хом ашё етказиб берувчи ташкилотлар белгиланмаган эди. Нореал белгиланган планни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги илтимос ва талабларимиз беҳуда қолиб кетди. Бу ҳол маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича белгиланган планни бажара олмай қолишимизга, корхонанинг моддий жиҳатдан ноқулай аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлди. Энг муҳими, республика зарур миқдорда дефолиант ола олмади. Агар яқин муддат ичида хом ашё масаласи ижобий ҳал қилинмайдиган бўлса, ўтган йилги аҳвол бу йил ҳам такрорланиши турган гап.

Бизнингча, бу масалани оқилона ҳал қилиш имкониятлари бор. Заводда сақланаётган чет элдан келтирилган хом ашёни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган хом ашё билан аралаштириб ишлатиш мумкин. Илмий тадқиқот институтининг таклифи билан аралаш дефолиант тайёрлашни йўлга қўйса бўлади. Бу ҳар жиҳатдан фойдалидир. Зарур миқдорда дефолиант тайёрлаб чиқариш мумкин. Шунда заводимиз мавжуд қувват билан ишлай олади. Эҳтимол, шу муддат ичида бизга хом ашё етказиб бериши лозим бўлган «Карабогазсульфат» заводи ҳам ишга тушиб қолар. Бунда транспорт харажатларидан бошқа ортиқча сарфларга йўл қўйилмайди. Иқтисодий жиҳатдан афзал бўлган шу йўлни танлаш мақбул деб ўйлаймиз.

А. ЖИВОЛУПОВ,
Фарғона азот ўғитлари заводининг инженери.

Ўзбекистон хотин-қизлари съезди олдидан

МУНАВВАР

ЛАВҲА

У комбинат дарвозасидан шодон кириб боради. Ёнгинасидан ўтиб кетаётган йигирувчи, тўқувчи ё инженерга жилмайиб боқади-да: «Салом» дейди. У ҳам ажойиб дўстлари даврасига, станоклар қошига пошади.

... Еттинчи синфда ўқиб юрган кезлари эди. Онаси Зебинисо опа дўппи тикарди. Мунаввар бир ухлаб турганида ҳам қатим тортиб ўтирарди у. Дўппи битгач, чироқнинг ёруғига солиб, дам қизининг бошига кийдириб, дам ўзи кийиб кўз-кўз қиларди. Ушанда онасининг юзлари яшнаб, кўзлари бирам чиройли порлардики, Мунаввар ҳам бирор иш қилгиси келарди. Шу орада уруш бошланиб, Мунавварнинг дадаси Ватанни қимоя қилгани отланди. Зебинисо опа ишга кирмоқчи бўлган эди, қизи ҳам эргашди.

— Қаранг ойижон, кучим тўлиб-тошиб ётибди, дадам келгач, яна ўқийвераман. Бўптими? — деди у.

Мунаввар уйга яқинроқ деб Чкалов маҳалласидаги кирза фабрикасига ишга кирди.

— Тўқувчи бўлишни чиндан истаганг зийрак бўл, — деди устаси.

— Хўп бўлади, — деди Мунаввар қувониб. Ахир, биров унга касб ўргатади-ю, севинмайдими, қадрламайдими?! Қани энди шу станокларнинг лоақал бирортаси билан «ғаниши» ололса. Қизиқ, шу машиналар одамнинг буйруғига бўйсуниб, шунча пишиқ газлама тўқиса-я. Қўлда ҳеч қачон бунча чиройли, бунча тез тўқийолмайди, киши. Ахир Мунавварнинг онаси битта кийкинагина дўппини бир неча кун қадалиб ўтириб тикарди-я. Одамларнинг зап ақли бор-да!

Мунаввар деталларнинг номларини ёдлайди Нура опа тайинлаган китобларни ўқийди. Гоҳо хаёли дадаси томон учади. Қани энди дадаси ёнида бўлса, эртаклардаги Ойгулардек сочларини телпаги остига бостириб, душман сари от сурса. Лекин онасини ёлғиз қолдиролмайди-да! Барибир, у жанг майдонида меҳнат қилаётгандек ҳис этарди ўзини.

Уруш тугади. Қўни-қўшни, уруғ-аймоқлар қайтишди. Аммо... Асқар ака қайтмади. Қизғинасининг чевар бўлиб қолганини, етук бўйини кўрмади Мунаввар онасининг ҳижрон оловида куйган юрагига малҳам бўлди. Ишлаш билан бирга кечки мактабда ўқиб, етуклик аттестати олди. Нормани ҳар куни ошириб бажариб, моҳир тўқувчи бўлиб танилди. Интилувчан қизни фабрика коллективи Иваново шаҳрининг тўқимачилик комбинати кошидаги бир йиллик курсга ўқишга юборишди.

Нақадар кенг даргоҳ, билимдон, тажрибали одамлар, дилкаш рус қизлари! Мунаввар тортиниб юрмади. Қизлар билан чақчақлашиб, ҳам тил ўрганди, ҳам иш, ҳам билим. Турли маркадаги станокларнинг тузилиши, газламанинг бунёдга келиш технологиясини ўрганиб қайтди.

Ушанда Фарғона тўқимачилик комбинатида техника газламалари цехи ишга туширилаётган эди. Мунавварни шу цехга мастер этиб тайинлашди. Шунчалик масъулият, ишонч кизнинг қалбига ғайрат чўғини солиб қўйди. Мастер... Цехдаги одамлар, тўқилаётган газламалар, гуриллаётган станоклар унинг измида. Ҳаммасига у жавобгар, ҳаммасига у раҳнамо.

* * *

Ҳар тонг жаҳла билан оқаради. Ўрта бўй, ҳипчагина аёл цех томон одимлайди. У кабинетига кириб, озода кийимларини ечиб, коржомасини кияди. Косинкасини яхшилаб тангийди. Ён дафтарча, қаламни ҳалат чўнтагига солиб цех саҳнига чиқади.

Тунги сменадан эндигина бўшаган станоклар гўё «хансирайди». У ҳаммасини кўздан кечиради. Деталлар жой-жойида, мойланган. Лекин... бирдан унинг кўзи Л18 номерли станокка тушди. Корчоткаси шундай ёғ. Алмаштирилмабди. У дарров поммастерни топиб тушунтирди, тузатилди. Мунаввар бу ҳақда цех бошлиғига рапорт ёзиши ҳам мумкин эди. Чунки шу станокда тўқилган газлама брак бўлади. Лекин у одамларнинг кўнглини оғритишни эмас, камчиликни ўз вақтида, ўз жойида тўғрилаб кетишни ўйлайди.

Сўнг Мунаввар арқоқ найчаларни кўздан кечиради. Агар ҳамма тўқувчи нормасини бажаришга ҳаракат қилса тайёр арқоқлар етти соатга эмас; олти соатга етади. Ишчиларнинг бир соат қимматли вақти бекор кетадими? Йўқ, у тайёрлов цехига қўнгироқ қилиб, қўшимча хом ашё сўрайди.

РЕЗЕРВЛАР

Янги беш йиллик планни деҳқонларимиз мўл-кўлчилик, фаровонлик плани дейишмоқда. Улар маҳсулот етиштиришни кўпайтирамиз, беш йиллик план топшириқларини тўла-тўкис адо этамиз дейишяпти. Шу мақсадда ҳамма ерда ўтган даврдаги иш, эришилган муваффақиятлар анализ қилиб кўрилянти. Резервлар аниқланяпти, имкониятлар чамалаб кўрилянти. Ишлаб чиқаришни юксалтириш, маҳсулот таннархини камайтириш, хўжаликларнинг экономикасини мустаҳкамлаш, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тадбирлари белгиланяпти. Жумладан, Оржоникидзе районида худди шундай қилинмоқда. Бу ерда пахта, чорвачилик маҳсулотлари билан бир каторда, фаровонлик рамзи бўлган сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулоти, мева ва узумни мўл-кўл қилиш режалари тузиляпти.

Бултур район деҳқонлари яхши натижаларга эришдилар. Сабзавот, мева ва узум етиштириш планларини анча ошириб бажардилар. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 175 центнердан сабзавот, 47 центнердан мева ва 101 центнердан узум олинди. Давлатга белгиланганидан 13 минг тоннадан знёд кўп, 1964 йилдагига нисбатан эса қарийб 10 минг тонна ортиқ маҳсулот сотилди.

Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Аммо бултур гарчи давлатга картошка ва полиз экинлари маҳсулоти сотиш топшириқлари ошириб бажарилган бўлса ҳам, ана шу экинлардан ялпи ҳосил олиш плани бажарилмай қолди. Бунга ҳосилдорликнинг пастлиги сабаб бўлди. Масалан, картошканинг гектаридан планлаштирилганидан 29 центнер кам, яъни 81 центнердан, полиз экинларининг гектаридан эса 185 ўрнига 158 центнердан ҳосил олинди. Сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулоти, мева ва узумнинг ялпи ҳосили 1964 йилдагига нисбатан анча кўпайгани ҳолда, картошканинг ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосили аксинча камайиб кетди. Бундан, картошка етиштириш плани фақат ўтган йилгина бажарилмай қолибди, дегав мазмун келиб чиқмайди. Бу соҳадаги аҳвол кейинги бир неча йил давомида ана шундай қониқарсизлигича қолиб келмоқда. Сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти, мева ва узум етиштириш бўйича етти йиллик план топшириқлари ошириб бажарилгани, ана шу маҳсулотлар белгиланганидан салкам 65 минг тонна кўп олингани ҳолда, пландаги 50,8 минг ўрнига 48,2 минг тонна картошка етиштирилгани фикримизнинг далилидир.

Районда сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришнинг жуда катта резервлари бор. Буни айрим хўжаликлар бултур олган ҳосил ўртасидаги фарқдан билиш мумкин. Масалан, Фрунзе номли колхозда сабзаботнинг гектаридан 212 центнердан ҳосил олингани ҳолда, бир хил шароитдаги «Маданият» колхозида 140 центнердан, «Қозоистон ССР 30 йиллиги» колхозида эса 116 центнердан ҳосил олинди.

Кўпчилик колхоз ва совхозлар бултур сабзавот, картошка ҳамда полиз экинларидан райондаги ўртача даражадан анча кам ҳосил олдилар. Мавжуд 14 колхоздан 8 таси ва 6 совхоздан иккитаси сабзавот, 9 колхоз ва икки совхоз картошка, 7 колхоз ва уч совхоз полиз экинлари ҳосилдорлиги жиҳатидан райондаги ўртача даражага эриша олмади. Агар улар бу йил ҳосилдорликда районнинг бултурги ўртача даражасига кўтарилсалар қўшимча равишда 6 минг тоннадан знёд сабзавот, 4 минг тоннага яқин картошка ва 8 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти олиш мумкин.

Ҳосилдорликни ва ялпи ҳосилни ошириш резервлари фақат шулардангина иборат эмас. Бу соҳада районда бошқа имкониятлар ҳам бор. Жумладан, ердан фойдаланишни яхшилаш, яъни такрор экин экишни тўғри йўлга қўйиш ҳисобига маҳсулот етиштиришни анча кўпайтириш мумкин. Бултур такрор экилган сабзаботдан ҳаммаси бўлиб 2200 тонна ҳосил олинди. Бу, ялпи ҳосилнинг атиги 3,5 процентига тенг, холос.

Район хўжаликларида беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш мақсадида амалий тадбирлар белгиланар экан, ҳосилдорлик ва ялпи ҳосилни кўпайтириш имконини берувчи ана шу резерв ва имкониятлар ҳисобга олинди. Бу йил район колхоз ва совхозларида 84,3 минг тонна сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулоти, 17 минг тонна мева ҳамда узум етиштириш ва такрор экиш ҳисобига сабзавот ҳамда картошканинг ўзидан 8900 тонна ҳосил олиш назарда тутилади. Мўлжалдаги 1910 гектар ердан икки марта ҳосил олиш район хўжаликлари даромадини қарийб 800 минг сўм ошириш имконини беради.

Ҳа, қолоқ колхоз ва совхозлар ҳосилдорлик жиҳатидан илғорлар даражасига кўтарилса, ердан тўғри фойдаланилса ва такрор экин экиш кенг йўлга қўйилса, бу йил гектаридан 170 центнердан сабзавот, 110 центнердан картошка ва 190 центнердан полиз экинлари маҳсулоти олиш ҳақида берилган ваъданинг устидан чиқиш мумкин.

Район хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулот таннархи қимматга тушяпти. Бултур районда бир центнер картошканинг таннархи 11 сўм 58 тийинга, сабзавот — 5 сўм 35 тийинга ва полиз экинлари маҳсулоти — 2 сўм 16 тийинга тўғри келди. Энг ачинарлиси шундаки, картошка ва сабзаботнинг таннархи 1964 йилдагидан анча ошиб кетди.

Райондаги айрим хўжаликлар ўтган йили ҳосилдорлик паст бўлганлиги, таннарх ошиб кетганлиги сабабли маҳсулот етиштиришдан фойда ўрнига зарар кўрди. «Маданият» колхозида сабзавот етиштиришдан 126 минг сўм зарар кўрилди. «Дўрмон» совхозида гектаридан бор-йўғи 13,2 центнердан картошка олинди ва унинг бир центнерига планлагидан бир неча баравар кўп — 66 сўм 20 тийин сарфланди. Кўпчилик хўжаликлар картошка етиштиришдан катта зарар кўрдилар.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Шундаки, биринчидан, район хўжаликларида сабзавот, картошка ва полиз экинлари маҳсулоти етиштиришни механизациялашга ҳануз кам эътибор бериб келиняпти. Бултур картошканинг 56,6 процента машинада экилиб, 64,9 процент майдонги экин механизмлар билан парвариш қилинди ва ҳосилнинг атиги 19 проценти қазиб олинди. Сабзаботчиликдаги аҳвол бундан ҳам баттар. Бу эса меҳнат унумдорлигини оширишга тўсқинлик қиляпти, маҳсулот бирлигига кўп миқдорда меҳнат, пул ва материал сарфлашга сабаб бўляпти.

Шу муносабат билан район хўжаликларида маҳсулот етиштириш учун қилинадиган меҳнат, пул-материал сарфларини камайтириш, унинг таннархини арзонлаштириш, колхоз ва совхозларнинг даромадини, деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириш имконини берувчи резервлар борми, деган савол туғилади. Бу саволга илғор хўжаликлар, айрим бригада ва звеноларнинг бултур эришган кўрсаткичи мисолида жавоб берган яхшироқ.

«Правда» колхозида ўтган йили бир центнер сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти етиштиришга 0,8 тадан, картошкага 1 киши-кунидан сарфланди. Ҳар бир центнер сабзавот колхозга 2 сўм 97 тийин фойда келтирди ва хўжалик фақат сабзавот етиштиришнинг ўзидан 138 минг сўм соф фойда қилди. Агар бу йил район хўжаликларида маҳсулот етиштиришга қилинадиган меҳнат сарфлари камайтирилиб, «Правда» колхози даражасига туширилса 318 минг 400 киши-кунини тежаш мумкин.

Маҳсулот таннархини камайтириш учун хўжалик ҳисобида ишловчи бригада ва звеноларга ташкил этишга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки ўтган йили ана шундай коллективларнинг аъзолари жуда қувончли натижаларга эришдилар. Масалан, Фрунзе номли колхозининг М. Тиримқулов бошлиқ звеноси 19 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 228 ўрнига 399 центнердан сабзавот етиштирди, пландагидан ташқари қарийб 10 минг сўмлик маҳсулот берди. Бир центнер маҳсулотнинг таннархи пландаги 5 сўм 70 тийин ўрнига 4 сўм 93 тийинга тўғри келди ва шу ҳисобдан звено колхозга 5800 сўмдан знёд қўшимча фойда келтирди. Звено аъзолари пландан ташқари етиштирган маҳсулотлари учун 1569 сўм, маҳсулот таннархини камайтирганликлари учун эса 804 сўм қўшимча ҳақ олдилар. Шу колхоздаги У. Бўғибоев бошлиқ ва хўжалик ҳисобига кўчирилган бошқа 10 звено, Карл Маркс номли колхоздаги Медубоев ва Жаннабоев звеноларида ҳам ана шундай яхши натижаларга эришилди.

Районда яқинда бўлиб ўтган иқтисодий конференцияда ана шу ва бошқа резервлардан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор берилди, район партия, совет, қишлоқ хўжалик ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари эътибори мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиб, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда, унинг таннархини камайтириш учун курашга қаратилди.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Тошкент области. Оққўрғон районидаги «Ленинград» қишлоқ хўжалик артелининг олаётган даромади йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу эса, колхозчиларга хўжалик ва уй-жой қурилишини кенг авж олдиришга катта ёрдам бермоқда. Суратда: колхоз қишлоғида бунёдга келган янги кўчалардан бири.

В. Кожевников фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ШОЛИ ЭКИЛЯПТИ

ЧИМБОЙ, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан) «Октябрь» совхозининг шоликорлари КПСС Марказий Комитети 1 Май Чақириқларига амалий иш билан жавоб беряптилар. Совхоз ишчилари шоли экишни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида яхши тайёргарлик кўрдилар. Техника барвақт тахт қилинди, ерлар сифатли текисланди, етарли миқдорда минерал ва маҳаллий ўғит солинди. Айниқса ерни суғоришга алоҳида эътибор берилди.

Азамат шоликорлар 1500 гектар майдонга шоли экиб, унинг ҳар гектаридан намида 32 центнердан ҳосил кўтаришга бел боғлаганлар. Ҳамма бўлим ва бригадаларда экиш бошлаб юборилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ЧОРВАДОРЛАР ҒАЛАБАСИ

КПСС XXIII съезди қарорларидан руҳланиб меҳнат қилаётган Хоразм область, Ҳазорасп районидаги «Ленинизм» колхозининг чорвадорлари ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Улар Май байрами шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, сут топшириш ярим йиллик планини ошиғи билан адо этдилар. Сигирлардан 120 тонна ўрнига 124 тонна серқаймоқ сут соғиб олинди.

Районнинг «Ленинград» колхозида ҳам давлатга сут топшириш ярим йиллик плани муваффақиятли бажарилди.

Шу райондаги «Коммуна» колхозида қўзилатиш кампанияси намунали ўтказилмоқда.

Колхоз чорвадорлари районда биринчи бўлиб давлатга қоракўл тери топшириш планини бажардилар.

Ж. РАЗЗОҚОВ.

КПСС XXIII съезди қарорларини амалга оширамиз

САВДО ХИЗМАТИНИ ЯХШИЛАЙМИЗ

А. САРИМСОҚОВ,
Ўзбекистон ССР Савдо министри

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларини ва саноат молларини истеъмол қилишини кўпайтириш таъминлансин, истеъмол структураси яхшилансин. Халқ истеъмол қиладиган молларни давлат ва кооператив савдо шохобчалари орқали сотиш камида 1,4 баравар кўпайтирилсин. Шу молларнинг хили кўпайтирилсин ва сифати оширилсин,

Бу КПСС XXIII съезди янги беш йиллик план юзасидан қабул қилган Директиваларда айтилган. Халқимизнинг турмуш даражаси юксалмоқда, харид қуввати ортиб бормоқда. Ўтган йили республикада савдо плани ошириб бажарилди. Пландан ташқари 18,5 миллион сўмлик маҳсулот сотилди. Бу йил эса савдо яна ҳам тез ўсиб бормоқда.

КПСС XXIII съезди қарорларида халқ истеъмол моллари турларини кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини яхшилаш муҳим вазифалардан бири қилиб қўйилди. Республикамиз саноати ўтган йили ана шу соҳада маълум ишларни амалга оширди. Тошкентдаги «Қизил тонг» фирмаси, Чинни заводи, 2-сон тикув фабрикаси, Қўқондаги Оҳунбобоев номли тикув фабрикаси ва бошқа қатор корхоналар ишлаб чиқараётган молларни аҳоли яхши қабул қилмоқда. Лекин шу билан бирга товар турлари бўйича планларни бажармай келаётган, айниқса молларнинг сифатли бўлишига эришмаётган корхоналар ҳам кўп. Ана шундай моллар савдо тармоқларида узоқ туриб қолмоқда. Масалан, айрим новвойхоналар, макарон, пиво, консерва, сут ва пойафзал корхоналари маҳсулотларининг сифати паст. Айрим саноат корхоналари планлаштиришда савдо министрлиги ва умумай савдо ташкилотларидан келаётган заказларни хисобга олмаётирлар. Улгуржи базалар ишлаб чиқаришга етарли таъсир кўрсата олмаётир. Улар халқ мавфаатларини, талаб-эҳтиёжларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишлари керак.

Ўтган йили улгуржи базалар аҳоли талабини яхши ўрганолмадилар, молларнинг тури ва сифати етарли назорат ўрнатилмади. «Узтекстильторг» базалари 1965 йилда республика саноати ишлаб чиқарган газмолларнинг фақат 6,5 процентини текширувдан ўтказган, холос. «Узкультторг» ва «Узхозторг» базаларида ҳам товарларнинг сифати яхши текширилмаётир. «Узобувьторг» базаларида эса бу соҳада ўтакетган совуққонлик ва масъулиятсизликка йўл қўйилмоқда. Ўтган йили улар Тошкентдаги 1-сон пойафзал фабрикаси ишлаб чиққан маҳсулотларидан 8,6 процентини бракка чиқарганлар.

Чакана савдо ташкилотлари ҳам товарлар сифатини яхшилаш учун яхши курашмаётирлар. Натижада истеъмолчига сифатсиз моллар сотилмоқда. Бундай масъулиятсизликка тезда хотима бериш лозим. Бизнингча, аҳолининг талабларини кондиришда савдо ташкилотларининг буюртмалари саноат корхоналари плани учун асос бўлиши керак. Бу масалани чуқур ўрганиб, иқтисодий жиҳатдан тўла асослаб амалга ошириш керак. Шунинг учун савдо ташкилотларида аҳолининг талабларини ўрганиш асосий вазифалардан бири қилиб қўйилмоқда. Аҳолининг талабларини ўрганиш ва уни умумлаштириш илмий асосда олиб борилиши керак. Шу мақсадда якин орада республикада аҳолининг истак ва талабларини ўрганувчи институт филиали очилади.

Совет кишиларининг турмуш даражасини яхшилашда умумий овқатланиш корхоналари катта роль ўйнаши керак. Республикада бу соҳада анча ишлар қилинди. Масалан, етти йиллик мобайнида умумий овқатланиш корхоналари оборотининг умумий ҳажми 70 процентга кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 298 та умумий овқатланиш корхонаси ишга тушди. Замонавий чойхона ва кафелар, ошхоналар қурилди. Уларда хизмат қилишнинг янги, прогрессив формалари кенг қўлланилмоқда. Шунга қарамай, бу соҳада ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Айрим шаҳарларда ошхона, кафе, ярим фабрикат муассасалари етишмайди. Масалан, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё областларининг шаҳарларида сўнгги йилларда делрли бирорта йирик умумий овқатланиш корхонаси қурилмади. Бунинг устига ўтган йили янги қурилган биноларданг атиги 9 тасининг биринчи қавати умумий овқатланиш корхоналари учун ажратилди, холос. Самарқанд, Андижон, Наманган, Урганч, Термизда бирорта ҳам уй ошхонаси йўқ. Хива, Қарши, Шаҳрисабзда эса ярим фабрикат ва пазандачилик маҳсулотлари билан савдо қилувчи бирорта магазин қурилмаган. Шаҳарларнинг қайта қурилиши натижасида кўпгина умумий овқатланиш корхоналари бинолари бузилади, унинг ўрнига эса бошқа жой берилмайди. Бундай кўнгилсиз фактларга чек қўйиш керак.

Саноат корхоналаридаги умумий овқатланиш муассасаларига ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Айрим йирик завод ва фабрикаларда намунали умумий овқатланиш корхоналари бор. Улар жуда яхши жиҳозланган, хизмат яхши уюштирилган. Лекин кўпгина корхоналарда умумий овқатланиш муассасалари меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжини қондира олмаётир. Жой етишмайди, хизмат савияси паст.

Умумий овқатланиш корхоналарининг бирортасининг ҳам етишмаслигига, янги қурилган биноларнинг биринчи қаватларида ошхона, кафе, уй ошхоналари ташкил қилишга эришиш керак.

Умумий овқатланишни яхшилашнинг бирдан-бир асосий тадбири — ошхона, кафе ва бошқа корхоналарни ярим фабрикатлар билан ишлашга ўтказишдир. Афсуски, фақат Тошкентдагина ярим фабрикатлар ишлаб чиқариш ташкил этилган. Бизнингча, гўштли ярим фабрикатлар ишлаб чиқарувчи тайёрлов фабрикалари ва цехлари қуришни кенгайтириш керак. Сабзавот комбинатлари ҳузурида картошкаларни тозалаб, сульфитизация қиладиган цехлар очиш керак. Қисқа муддат ичида ярим фабрикатлар турини ошириш ва сифатини яхшилашга эришиш лозим. Бу эса зарур миқдордаги умумий овқатланиш корхоналарининг ярим фабрикатлар билан ишлашга ўтиши учун имкон беради.

Партия XXIII съезди қарорларида савдо министрлиги, унинг бошқармалари учун корхона ва муассаса касаба союзлари билан ҳамкорликда умумий овқатланиш корхоналарининг ишини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш биринчи даражали вазифа қилиб қўйилди. Бунда умумий овқатланиш корхоналарини кенгайтириш алоҳида роль ўйнайди.

Ҳозирги пайтда савдо ва умумий овқатланиш корхоналарда хизмат маданиятини ошириш ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этди. Бу, аввало меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини тинмай ўрганиш, амалий чоралар қўллаш қай даражада уюштирилганлиги билан ўлчаниши лозим. Савдонинг янги формаларидан кенг фойдаланиш керак. Ихтисослаштирилган магазинлар тармоғини кенгайтириш лозим. Айрим ўртоқлар бунга ҳамон етарли эътибор бермаётирлар. Албатта, ихтисослаштириш чуқур ўйлаб, асосли олиб борилгандагина яхши натижа беради.

Беш йиллик плавда республика савдосини янада ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини кенгайтиришга катта ўрин берилган. Гап ана шу вазифаларни муваффақиятли бажаришда. Ўтган йили республикада янги савдо корхоналарига эҳтиёж катталигига қарамай, капитал қурилиш плани бажарилмади. Биз бундай ҳолга энди сира йўл қўя олмаймиз. Янги қурилишлар лойиҳа ҳужжатлари ўз вақтида ва пухта тайёрлаб берилиши керак. Капитал қурилиш қанчалик соз амалга оширилса 1966 йил товар оборот плани ҳам шунчалик муваффақият билан адо этилади. Шунинг учун ҳам янги қурилишларни амалга ошириш жуда муҳим вазифадир. Беш йилликда 390 магазин, 212 умумий овқатланиш корхонаси, бир неча йирик склад ва омборлар қуриш планлаштирилган.

Зиллада Тошкентдаги савдо умумий овқатланиш шохобчаларига ҳам айрим зарар етказди. Биз бунга тезда барҳам этиш учун ва аҳолига яхши хизмат уюштириш учун барча тадбирларни қўллаётирмиз. Кўча ва майдонларда очиқ савдо уюштирилмоқда. Умумий овқатланиш корхоналари тармоқлари кенгайтирилмоқда. Янги палатка ва киоскалар очилмоқда. Аҳоли учун қўшимча истеъмол ва бошқа овқат моллари чиқарилмоқда.

Кўпмингли савдо ходимлари Коммунистик партия чизиб берган режаларни амалга ошириш учун, қаҳрамонона меҳнат қилаётган халқимизга муносиб хизмат қилиш учун бутун чораларни қўллайди, куч ва ғайратини сафарбар этади.

Бу йил Самарқанд темир йўл станциясида марказлаштирилган бошқаришнинг янги автомат пости ишга туширилди. Бу соҳадаги янгиликлар Тошкент пассажир станциясида ва Ховос станциясида ҳам тезда жорий қилинмоқда. Суратда: Ховос станциясининг илғор навбатчиси коммунист Уткир Носиров ва оператор Дина Лимонсналлар поездлар ҳаракатини бошқарувчи пульт олдида.

А. Тўхтахўжаев фотоси.

САККИЗИНЧИ ХАЗИНА

ҚУВА. («Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан). Район колхозлараро бўрдоқичилик базаси чорвадорлари янги хазина топишди. Улар ҳозир инглиз зотли куркалардан 1560 тасини боқишяпти. Бу зотли парранда тез етилиб, бир ёшга тўлганда вазни 30 килограммдан ҳам ошиб кетади. База коллективи бу йил 18,5 тонна курка гўшти тайёрлаб бериш мажбуриятини олган.

Беш йиллик охирига бориб бу ерда курка гўшти етиштириш тўртбеш баравар кўпайтирилади. Шу билан бирга бутун областда куркачиликни ривожлантириш мақсадида 17 минг дона тухум бостириб қўйилди. Яқин вақт ичида улар область хўжаликларига тарқатилади. Фарғона чорвадорлари куркачилик саккизинчи хазина бўлиб қолади, дейишмоқда.

А. Набихўжаев,
М. Мансуров.

АСПОНА ЮРИШ...

ҲАЖВИЯ

Навбатдаги нотиқ — Парда Очилов ўз сўзининг асосий қисмини яна Мирзаосим Мирзақосимовга бағишлади. «Ўртоқ Мирзақосимов ўзининг кунлик ишлаб чиқариш нормасини бажармайди. У жамоат ишларига фаол иштирок этмайди...» ва ҳоказо.

Гапнинг очиғини айтганда бу на мажлис аҳли учун, на Мирзаосим Мирзақосимовнинг ўзи учун янгилик эди! Чунки, заводда бирор мажлис бўлган эмаски, унда Мирзаосим ганқид қилинмаган бўлсин! Парда Очилов учун минбарга чиқиб Мирзаосимни ялғо булаб, косовга санчиш гўё бир савоб иш эди. Завод ҳажвиячилари, ҳатто Парда Очилов билан Мирзаосим тўғрисида алла қандай ҳажвия ёзишган, деган узунқулоқ гап ҳам юрарди. Хуллас, Парда Очиловнинг «савалаш»ларига унинг ўзи ҳам шундай кўникиб кетган эдики, агар мажлис ярим-лаб қолиб, Мирзаосим танқид қилинмаса у сўғричини йўқотган ғўндандай безовта бўлиб қоларди.

Парда Очиловнинг жағини худойи таоло ғапдонларнинг лойидан яратганми, у хоҳласа сўзига тўн кийгизиб юборадиган, хоҳласа уни ечиб оладиган устаси фаранглардан. Бир вақтлари у алла қандай театрда ишлаган экан. Асли номи Пардабек Очилбеков бўлиб, театрдагилар Парда Очилга айлантириб юборишган экан. Мана у ҳозир гишт заводида. Нима иш қилади, аниқ билмайман. Ҳар ҳолда қачон кўрманг раҳбарлар атрофида гирди-капалак. Завхоз бўлиб қўлида омбор калити йўқ, цехларда қораси тоқ кўринмай, тоқ кўринмайди. Директорга ўринбосар десанг, на кабинети, на иш столи бор! Қисқаси, моляа оладию цехи қайси, хизмати нима — биз буни билмаймиз. Лекин, мажлис Парда Очиловнинг жони-тани. Ҳар бир мажлисга худди қизини узатаётгандай тайёргарлик кўради. Нотиқлар учун минбарга сувли графин, стакан келтириб қўяди. Агар директоримиз гапиришини билиб қолса чиройли, пахта гулли чойнак-пиёлада ачиқ чой дамлаб келади. Мажлисларда минбарга чиқанда бутун гапини Мирзаосим Мирзақосимовга бағишлайди. Роса пўстагини қоқади. Баъзи-баъзида бечора Мирзаосимнинг завод-дан ташқарида қилиб қўйган ишларини ҳам топиб келади. Жумладан, Парда Очилов бир сафар Мирзаосимни трамвайда кетаётиб билет олмаган деб мажлисга солди. Мирзаосим ўввало сўз сўради, унга навбат беришмади. Шундан кейин у тўрган жойидан туриб: «Пардавой, инсоф билан гапиринг, ёнимда ўғлим бор эди. Билетни ўша олган эди» деб қичқирди. Аммо, Пардавой ундан қаттиқроқ қичқириб ўзининкини маъқуллади.

— Бўлмаса келаси мажлисга ўғлимни олиб келаман! — деб бақирди Мирзаосим.

Бақиргдию баттар балога қолди. Парда Очилов унинг «маданиятсизлиги, мажлисларда сўз олмай гапириши, ўғлини ноўрин мажлисга солмоқчи бўлиши, бировнинг юзига сапчиши, одобсизлиги...» ҳақида роса бир тогора бўлиб кўпирди.

Мана энди яна минбарда Парда Очилов. Мирзаосим Мирзақосимов унинг нима дейишини олдиндан яхши билганидан Пардавой сўзига лоқайд қулоқ сола бошлади.

— Ҳурматли ўртоқлар, азиз биродарлар, — деб залга кўз ташлади у. — Менимча, кўп йилларгдан бери орамизда юз бериб келаётган бир адолатсизликка барҳам бермоқ вақти етди! Қачонгача оғзига кучи етмаган баъзи ўртоқларимиз, ҳадеб бир кишининг ёқасига ёпишаверишади?! Хўш, ҳурматли дўстимиз, ҳамкасаба, ҳамцехимиз Мирзаосим Мирзақосимов шу даражага етган ёмон, қусурли одаммиз? Асло! Унинг фазилатларини санай бошласангиз қўлларингизда бармоқ етмайди!

Залда ўтирган мажлис аҳли ҳам, президиум состави ҳам, ҳатто, Мирзаосим Мирзақосимовнинг ўзи ҳам ҳангу-манг бўлиб қолди. У қулоқларига ишонмас, назарида мажлисда эмас, уйида ётиб ширин, ҳа шунча аччиқ гапдан кейин ширин туш кўраётганга ўхшарди. Мирзаосим ўзини босиб олиб, нима учундир инсофга келиб қолган Парда Очилов сўзига қулоқ осди. Унинг ҳар бир сўзидан бол томарди!

— Шундай дўстларим, биз ишлаб чиқараётган маҳсулот — гишт. Маълумки, битта гишт етмаса иморат иморат бўлмайди. Бизнинг бу ажойиб уюшқоқ, ўртоқ директоримиз раҳбарлиги остидаги коллективимиз (у президиум томон бир жуфт қуллиқ қилди!) бир иморат бўлса Мирзаосим ака (анча вақтдан бери уни кунчилик орасида биринчи марта шундай деб атади) мисоли бир гишт! Маълумки, хом гишт, пишиқ гишт, бари бир гишт! Пишиқ гишт хумдонда обдон тобланади, пишади. Бизнинг Мирзаосим ака ҳам хом гишт эдилар, мана у киши танқид * хумдонида беармон пишдилар! Баҳ, етар энди!

Залда қарсаклар янгради. Бундан баттар руҳланиб кетган Парда Очилов қизишиб сўзлай кетди:

— Олдимиздан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шуни айтадилар! Ҳа айтгандай бу бизнинг Мирзаосим акамизнинг ўзлари ҳам ўлгудай қаттиқ, тортинчоқ одамлар-да! Тоғни талқон қилиб қўйганда ҳам ҳеч нима қилмагандай жим юраверадилар. Мана куни кеча, буфетда ўтирувдик. Мирзаосим ака кефир олгани навбатда турган эдилар. Шу десанглар сутқатиқ ишлаб чиқарувчи хўжалик ходимларининг айби билан бизнинг бош бухгалтеримизга мана шу савил кефир етмай қолса бўладими?! Мирзаосим ака узоқ ўйлаб ўтирмай ўзи олган икки шиша кефирдан бирини шарт бош бухгалтеримиз қўлига тутқазди! Мана одамохунлик, мана беқиёс олижаноблик!... Минг раҳмат, сизга Мирзаосим ака, яшанг!..

...Мажлисдан кейин биз Парда Очилов билан заводдан бирга қайтдик. Катта кўчага чиққанимизда мен ундан сўрадим:

— Парда ака, бир савол бер-сам майлими?

— Саволни мажлисда беравдилар, ука!

— Парда ака, савол Мирзақосимов устида эди, — дедим.

Парда Очилов ён-верига қаради, кўчада иккимиздан бўлак ҳеч ким йўқлигини кўриб, бурнини жийирди, тахир нарса егандай жирканиб тамшанди-да:

— Э, турқи қурсин ўша Мирза Теракни! — деди.

— Бўлмаса, бу аспона юришга қандай ҳожат? — ўзим ҳам сезмай оғзимдан чиқиб кетди.

Парча Очилов «вой, нодон-ей...» деган маънода менга ғалати қараб қўйди-да, истеҳзо билан тиржайди:

— Агар Мирзаосимнинг акаси куни кеча бизнинг Бошқармага бошлиқ бўлиб келганида... нима дейишимни билар эдим!

Сами АБДУҚАҲҲОР.

Ана тўқувчи, зарядловчилар ҳам келишди. Бир дамда меҳнат симфонияси жарангланди. Сувни ҳам, ўтни ҳам писанд этмайдиган кирзалар тўқиляпти. Булар эртаиндин тоғли районларга, шундай пойафзал зарур жойларга жўнатилади. Ана қалин тасмалар тўқиляпти. Булар кабель заводларига юборилади. Хуллас, бу ерда ўн хилдан ортиқ энг зарур, энг кўп фойда келтирадиган техника ғаз-ламалари тўқиляпти. Мунаввар ҳаммасини кўздан кечириб юрибди. Ҳаммасини беш қўлдай билади. Кечагина келтирилган станоклар инструкцияси билан ҳам танишиб чиқди у.

Мунаввар гоҳ ип уловчининг ёнига бориб нималарнидир тушунтиради. Тўқувчи Ольга Фокинанинг ишини кузатади. Настя Манаеванинг тоққан ҳаракатидан жилмаяди. Барака топқурлар, ҳаммаси яхши ишлашяпти, дейди ўзича. Бироқ нега Раяхон хаёлчан кўринади.

— Салом Райничка, — Мунаввар унинг ёнига бориб елкасидан қ**ч**ади, — кайфият қалай?

— Яхши, — деди у бўшашибгина, кейин киприклари пирпираб кетди. Нимадандир норози кўринади. Лекин иш устида...

— Ҳали кабинетимга киргин, Раяхон. Икковимиз бир гаплашайлик, — дейди унинг қулоғига яқин келиб.

Гаплашишди. Рая зарядчиликка эмас, тўқувчиликка иштиёқи борлигини айтди. — Майли синглим, кўнглинг истаганича ишла, қойил қилсанг, бас, — деди мастер.

Ҳа, Мунаввар ҳар вақт ишчилар учун, маҳсулотнинг сифатли бўлиши учун жон қуйдиради. Цехдаги 150 ишчининг ярми коммунистик меҳнат зарбдори. Саккизта бригада коммунистик меҳнат зарбдори номини олди. Ҳар сменада 26 минг метрдан ортиқ маҳсулот тўқилиб, ойлик план ҳар вақт 110-115 процентга етмоқда.

Мастернинг мураккаб технология қоидаларини яхши билиб олгани туфайли унинг сменасида ҳамиша юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани учун партия, ҳукуматимиз Мунаввар-нинг қўксига Ленин ордени ва бошқа медаллар тақиб қўйди. У Ўзкомпартиянинг XVII съездига делегат бўлиб қатнашди.

Ишлаб чиқариш новатори Мунаввар Асқарова актив жамоатчи ҳам. У комбинат партия комитетининг аъзоси, область партия комитетининг пленум аъзоси сифатида ташкилий-тарбиявий ишларни яхши олиб боради. Қизларнинг, аёлларнинг маслаҳатгўйи, жонкуяри ҳам. Бу ерда Мунаввар-нинг ташаббуси билан жуда кўп ўзбек аёллари касб ўрганиб, ишга тортилгани, ишчилар учун яратилган қулайликлар ҳақида гапириб ўтирмаймиз.

Яхшиси Мунаввар-нинг онласига ҳам бир боқайлик. Уч хонали ҳовли. Сариштга уй. Мунаввар-нинг онаси Зебинисо хола 75 ёшга кириб, уйнинг тўрида нуридийдаларига бош бўлиб ўтирибди. У қизининг бахтини, қилган меҳнатининг роҳатини кўряпти. Неваралари — Рустамжон, Эркинжон, Дилором кулганида она қалбида гул ғунчалар очилгандек бўлади.

Мунаввар ишдан қайтгач, уйрўзғор ишларига қарашади, болаларни тарбият қилади. Эри — шофер Олимжон ака ҳам бўш вақтларида севикли ёрига ёрдамлашади. Бахтиёр она Мунаввар ва Олимжондан ризо бўлмоқда.

Фарғона тўқимачилик комбинатидан ҳар куни мамлакатга 350 минг метрдан кўпроқ газлама чиқяпти. Бу рақамларда ўн беш йилдан бери ҳормай-толмай ишлаб келаётган моҳир уста, коммунист Мунаввар Асқарованинг муносиб ҳиссаси бор.

— Жонажон партиямизнинг XXIII съезди, — дейди талабчан мастер, — партия сафларининг софлиги тўғрисида, ҳар бир коммунист ленинчи партиянинг аъзоси деган юксак номга сира доғ туширмай, шу номни муносиб равишда оқлаши тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилди. Биз, коммунистлар янги беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун курашда ҳар қачондагидек байроқдор бўламиз.

Бу Мунаввар-нингина фикри эмас, бутун комбинат коммунистларининг, барча меҳнат аҳлининг ҳам фикри.

С. МАҲМУДОВА.

МУКОФОТ МУБОРАК, АЗИЗ ОНАЛАР!

(Боши иккинчи бетда).

46. **Қосимова** Субика — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд районидаги Раванак қишлоғи.
47. **Қўчқорова** Ойбаланд — Паст. даргом районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг аъзоси.
48. **Латипова** Саломат — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд шаҳри.
49. **Пўлатова** Латофат — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд районидаги Улуғбек қишлоғи.
50. **Раббимова** Яхшигул — Пойариқ районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.
51. **Равшанова** Ойсифат — рўзғор ишидаги аёл, Иштихон районидаги Свердлов номли совхоз посёлкаси.
52. **Раззоқова** Санобар — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд районидаги Боғизоғон қишлоғи.
53. **Рафиева** Бибиражаб — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд шаҳри.
54. **Раҳмонова** Ойсаҳат — рўзғор ишидаги аёл, Пастдаргом районидаги Тукбай қишлоғи.
55. **Рухсатова** Зайнаб — рўзғор ишидаги аёл, Пастдаргом районидаги Яккатоп қишлоғи.
56. **Собирова** Рухсат— рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд шаҳри.
57. **Сайдилова** Ойбалқи — Ғаллаорол районидаги Карл Маркс номли совхоз ишчиси.
58. **Салимова** Рафоат — рўзғор ишидаги аёл, Пастдаргом районидаги Арабхона қишлоғи.
59. **Тиловова** Анор—Ғаллаорол районидаги «Қорақишлоқ» совхозининг ишчиси.
60. **Тўрақулова** Ойшаҳар — Нарпай районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.
61. **Усанова** Шаравон — рўзғор ишидаги аёл, Нурота районидаги 1-«Қўшработ» совхози поселкаси.
62. **Умарова** Назира — рўзғор ишидаги аёл, Ғаллаорол районидаги Куйитош поселкаси.
63. **Фозилова** Кимё — рўзғор ишидаги аёл, Самарқанд шаҳри.
64. **Хайриева** Холбиби — Пастдаргом районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.
65. **Ҳайитова Ойдин** — рўзғор ишидаги аёл, Нарпай районидаги Сардова қишлоғи.
66. **Ҳакимова** Нурбуви — рўзғор ишидаги аёл, Ғаллаорол районидаги Ғаллаорол қишлоғи.
67. **Халиқулова** Шарбат — рўзғор ишидаги аёл, Пойариқ районидаги «Пойариқ» совхози посёлкаси.
68. **Ҳикматова** Мунаввар — ишчи аёл, Самарқанд районидаги.
69. **Кунгибоева** Зулфия — Ғаллаорол районидаги Карл Маркс номли совхоз ишчиси.
70. **Шерқулова** Норбуви — Нарпай районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.
71. **Эгамбердиева** Буврама — Иштихон районидаги Киров номли совхоз ишчиси.
72. **Эрназарова** Болбуви — рўзғор ишидаги аёл, Пойариқ районидаги Наримановка қишлоғи.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ

73. **Овулова** Ўринқул — рўзғор ишидаги аёл, Фориш райони.
74. **Жабборова** Инобат — рўзғор ишидаги аёл, Зомин районидаги Баландчақир қишлоғи.
75. **Қодирова** Қумри — Жиззах районидаги «Москва» колхозининг аъзоси.
76. **Морковина** Матрена Никифировна — рўзғор ишидаги аёл, Янгиер шаҳри.
77. **Нестеренко** Раиса Петровна — рўзғор ишидаги аёл, Ильич райони.
78. **Остонақулова** Шарофат — рўзғор ишидаги аёл, Зомин районидаги Баландчақир қишлоғи.
79. **Саитова** Рўзи — рўзғор ишидаги аёл, Фориш районидаги «Фориш» совхози поселкаси.
80. **Суқсурова** Тербуви — рўзғор ишидаги аёл, Зомин районидаги Аччи қишлоғи.
81. **Тўғизбоева** Балбуваш — рўзғор ишидаги аёл, Гулистон районидаги Красноармейское қишлоғи.
82. **Ҳошимова** Каромат — рўзғор ишидаги аёл, Гулистон районидаги Красноармейское қишлоғи.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

83. **Абдуллаева** Баҳри — рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.
84. **Абдураҳмонова** Раҳима — рўзғор ишидаги аёл, Янгийўл районидаги Эски Тошкент қишлоғи.
85. **Одилова** Инобат — рўзғор ишидаги аёл, Калинин районидаги Кўктерак қишлоғи.
86. **Болтабоева** Аширбиби — рўзғор ишидаги аёл, Ўрта Чирчиқ районидаги Қорасув қишлоғи.
87. **Ғозиева** Фотима — рўзғор ишидаги аёл, Калинин районидаги Кўктерак қишлоғи.
88. **Жалолова** Мунис — рўзғор ишидаги аёл, Оққўрғон районидаги Хонобод қишлоғи.
89. **Дониёрова** Бувинисо — рўзғор ишидаги аёл, Калинин районидаги Кўктерак қишлоғи.
90. **Каримова** Сайдинисо — рўзғор ишидаги аёл, Янгийўл районидаги Чиноз поселкаси.
91. **Каяшова** Евдокия Максимовна— рўзғор ишидаги аёл, Оржоникидзе районидаги Дўрмон қишлоғи.
92. **Кулитова** Шарифа — рўзғор ишидаги аёл, Ўрта Чирчиқ районидаги Қорасув қишлоғи.
93. **Мавлонова** Жума — Ўрта Чирчиқ районидаги 1-«Оҳангарон» совхозининг ишчиси.
94. **Мазокирова** Ҳамида — рўзғор ишидаги аёл, Юқори Чирчиқ районидаги Суқоқ қишлоғи.
95. **Мирходиева** Шарифа — рўзғор ишидаги аёл, Юқори Чирчиқ районидаги Паркент қишлоғи.
96. **Музаффарова** Норхон — рўзғор ишидаги аёл, Бўка районидаги Оқтепа қишлоғи.
97. **Муродова** Меҳри —рўзғор ишидаги аёл, Оржоникидзе районидаги Чинобод қишлоғи.
98. **Мустафоева** Эмина — рўзғор ишидаги аёл Ангрен шаҳри.
99. **Муҳамедова** Нуринисо — хизматчи, Бекобод, шаҳри.
100. **Нортоева** Умрибоқи — рўзғор ишидаги аёл, Янгийўл районидаги Ҳалқобод қишлоғи.
101. **Нормирзаева** Ханипа — рўзғор ишидаги аёл, Ғазалкент шаҳри.
102. **Нуробоева** Тўхта — рўзғор ишидаги аёл, Оржоникидзе районидаги Чорвоқ қишлоғи.
103. **Ризаева** Тўхта— рўзғор ишидаги аёл, Оржоникидзе районидаги Искандар поселкаси.
104. **Суннатова** Роҳат — рўзғор ишидаги аёл, Бекобод районидаги «Чаноқ» совхозининг посёлкаси.
105. **Тожиёқубова** Ойсалом — рўзғор ишидаги аёл, Бўка районидаги Бўка қишлоғи.
106. **Темирова** Аноржон — рўзғор ишидаги аёл, Янгийўл районидаги Ниёзбоши қишлоғи.
107. **Тўхтаева** Омон — рўзғор ишидаги аёл, Чирчиқ шаҳри.
108. **Турғунова** Марҳабо — рўзғор ишидаги аёл, Калинин районидаги Кўктерак қишлоғи.
109. **Турсунова** Тожи — рўзғор ишидаги аёл, Оржоникидзе районидаги Чинобод қишлоғи.
110. **Ҳикматова** Раҳима — рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.
111. **Шамсутдинова** Жаннат — рўзғор ишидаги аёл, Бекобод районидаги 1-«Далвазин» совхозининг поселкаси.
112. **Йўлдошева** Ҳури — рўзғор ишидаги аёл, Оржоникидзе районидаги Ҳўжакент қишлоғи.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

113. **Бобоқўзиева** Рихсинисо — рўзғор ишидаги аёл, Олтиариқ районидаги Сўқ қишлоғи.
114. **Мамажонова** Фотима — рўзғор ишидаги аёл, Қўқон шаҳри.
115. **Шодмонова** Маъфиратхон — рўзғор ишидаги аёл, Олтиариқ районидаги Полосон қишлоғи.
116. **Шокирова** Машрапхон — рўзғор ишидаги аёл, Поп районидаги Данғара қишлоғи.

ҲОРАЗМ ОБЛАСТИ

117. **Абдукаримова** Ёқут — рўзғор ишидаги аёл, Урганч районидаги Ўлибоғ қишлоғи.
118. **Бобожонова** Ойимжон — Ҳазорасп районидаги Ленинград колхозининг аъзоси.
119. **Иброҳимова** Дурди — рўзғор ишидаги аёл, Хива районидаги Ғазават қишлоғи.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

120. **Аламинова** Хатиша — рўзғор ишидаги аёл, Нукус шаҳри.
121. **Давлатёрова** Дарбика — Кегайли районидаги Куйбишев номли совхоз ишчиси.
122. **Дўсова** Оқбол — рўзғор ишидаги аёл, Нукус шаҳри.
123. **Еримбетова** Гулхан — Чимбой районидаги «Кенес» совхозининг ишчиси.
124. **Жанаберганова** Магрупа — Қўнғирот районидаги «Қўнғирот» совхозининг ишчиси.
125. **Жанисбоева** Санам — рўзғор ишидаги аёл, Амударё районидаги Кийиккўпир овули.
126. **Исаева** Ойқиз — рўзғор ишидаги аёл, Нукус шаҳри.
127. **Қолдибоева** Метгул — рўзғор ишидаги аёл, Ҳўжайли районидаги «Хатеп» совхози поселкаси.
128. **Қанотбоева** Патша — ишчи аёл, Чимбой райони.
129. **Муканова** Сирга — рўзғор ишидаги аёл, Нукус шаҳри.
130. **Минбоева** Суткенжа — рўзғор ишидаги аёл, Ҳўжайли районидаги Шуманай овули.
131. **Норбоева** Сафаргул — Ҳўжайли районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.
132. **Полвонова** Ойим — рўзғор ишидаги аёл, Тўрткўл районидаги Гулдурсун овули.
133. **Розумова** Салима — Тўрткўл районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.
134. **Сафарбоева** Мамажон — Беруний районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.
135. **Сейтимова** Гулжон — Ҳўжайли районидаги «Шуманай» совхозининг ишчиси.
136. **Туленова** Жадира — Кегайли районидаги «Коммунизм» совхозининг ишчиси.
137. **Тураниёзова** Серагул — Кегайли районидаги Энгельс номли совхоз ишчиси.
138. **Уразумбетова** Ураз — рўзғор ишидаги аёл. Тўрткўл районидаги Гулдурсун овули.
139. **Уринбоева** Розия — рўзғор ишидаги аёл, Нукус шаҳри.
140. **Халиллоева** Қизларгул — Беруний районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.
141. **Ҳўжаниёзова** Ёқут — рўзғор ишидаги аёл, Тўрткўл районидаги Гулдурсун овули.
142. **Юсуфбоева** Дурдигул — Тўрткўл районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1966 йил 27 апрель.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт, 9.30 — Кичик концерт, 9.45 — «Биринчи беш йиллик баҳори» (тож.), 10.10 — Эстрада куйлари, 10.30 — Ўзбек халқ куйлари, 11.10 — Баҳор ва бахтиёрлик байрами, Ўзбекистон радио ва телевидение квартети, 12.15 — Спорт эшиттириши (рус.), 12.30 — Музикали салом, 13.40 — Қўшиқлар, 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун, 16.15 — Ёшлар учун музикали соат, 17.30 — Уйғур куйлари, 18.10 — Концерт, 18.30 — «Ёшлик» радиостанцияси, 19.20 — Концерт, 20.00 — Байрам музикали саломи (рус.), 20.50 — «Янги беш йиллик ёғдуси», 21.20 — Май олди мусобақаси илғорлари учун концерт, 22.00 — Дунё воқеалари, 22.10 — Баҳор тароналари, 23.20 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.00 — **Салом, 1 Май!** (болалар учун).
17.35 — **Телевизион янгиликлар** (ўзбек ва рус тилларида).
17.50 — **Биринчи май туҳфалари** (ўзбек ва рус тилларида).
Ўзбек тилида: 18.20 — **Адабиёт ва санъат.**
Рус тилида: 19.30 — **Игорь Ильинский билан учрашув** (кинофильм).
22.00 дан — **Москва кўрсатади** (тажриба тариқасида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе кўрсатади.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—30/IV да **Биринчи муҳаббат.**
МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/IV да **Тошболта ошиқ.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
1 май кундуз соат 2 ва кеч 8 да,
2 май кундуз соат 12 ва кеч 8 да
КАТТА БАЙРАМ
концертлари

Концертларда: СССР халқ артистлари **Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Саодат Қобилова, Галия Измайлова,** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Карим Зокиров, Саттор Ярашев, Насим Ҳошимов, Жамол Низомхўжаев, Клара Юсупова, Гулнора Мавлева,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Эргаш Йўлдошев, Михаил Давидов, Д. Қосимов, Ҳалима Комиловалар** қатнашади.

Халқ чолғу ансамбли жўр бўлади.

Билетлар сотилмоқда.

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
1, 2 майда
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
Мустай Карим асари
Ой тутилган тунда

3 пардали трагедия.

Ўзбекистон халқ шоири **Зулфия** таржимаси.

Саҳнага қўювчи — Бошқирдистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Ш. М. Муртазина,** рассом — РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **М. А. Арслонов,** режиссёр — **Ҳ. Аппанов.**

Спектакль кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА
БАЙРАМ СПЕКТАКЛЛАРИ
репертуари

1/V кундуз соат 12 ва 3 да,
2/V кундуз соат 12 да **Қотил.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
БАЙРАМ
репертуари

ҚИШКИ БИНОДА:

1/V да — кундуз соат 12 да **Ота ўғли,** кундуз соат 4 да **Катта концерт,** кеч 8 яримда **Гули сиёҳ.**
2/V да — кундуз соат 12 да **Қари қиз,** кундуз 4 да **Катта концерт,** кеч 8 яримда **Равшан ва Зулхумор.**

ЁЗГИ БИНОДА:

1, 2/V да — **Катта концертлар.**

КИНО

Дайди (эрталаб соат 11 да), **Севги ва кўз ёши** (кундуз 1 ярим ва 3 яримда), **ғазаб** (кундуз 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9-15 минутда) — САНЪАТ САРОЙИ.
Қонли кўйлак — «МИР», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (2-залда жуфт соатларда).
Замон даъвати — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун). НАВОИЙ номли (кеч соат 6 яримда).
Мард майдонда — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (1-залда тоқ соатларда).
Бальзаминовнинг уйланиши (тоқ соатларда), **Кўприк қурилади** (жуфт соатларда) — «СПУТНИК».
Марш, марш, тра-та-та! (эрталаб соат 10 ва 11-40 минутда), **Севги деб** (ўзбек тилида кундуз 1, 4 ва кеч 9-20 минутда) — НАВОИЙ номли.
Чет эллик аёл (кеч соат 7 да), **Эдельвейс гуллаган жойда** (кеч 9 да) — «ЮЛДУЗ».
Учар кема — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 да).
Иваннинг болалик чоғи—«ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
ГАЗЕТА
ва журналларга
ОБУНАНГИЗ
июнь ойида тугайдиган бўлса, йилнинг иккинчи ярмига
ДАВОМ ЭТТИРИШНИ УНУТМАНГ.
«Союзпечать» ва почта алоқаси органлари обуналарни давом эттиришга киришдилар.
Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

«ЁШЛИК» ТУРИСТ ПОЕЗДИГА
ПУТЁВКАЛАР
сотилади

Поезднинг маршрути: Тошкент — Харьков — Киев — Минск — Вильнюс — Рига — Таллин — Ленинград — Тошкент.
Поезд 7 майда жўнайди.
Сафар 21 кун давом этади. Путёвка ҳақи — 195 сўм.
Путёвкаларни Ўзбекистон туризм советидан перечисление тартибида ва нақд пулга сотиб олиш мумкин.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-47, Карл Маркс кўчаси, 20-уй, телефон В-3-55-04.
Областларда область туризм советларига мурожаат қилинсин.

«ТАШДОРСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ 90-МЕХКОЛОННАСИГА
скреперчилар, автогрейдерчилар, бульдозерчилар
КЕРАК
Меҳнат ҳақи ишбай асосида тўланади. Елғиз кишилар ётоқ билан таъминланади.
Мурожаат учун адрес: Янгийўл шаҳар, 8-гишт заводи бошқармаси территориясида.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР:

1966 йил 12 май кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ҳузуридаги биология фанлари юзасидан илмий даражаларни бериш бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Карл Маркс кўчаси, 32-уй, 133-аудитория) биология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун
А. А. Скокова: «Уруғсиз тут сортларининг цитоэмбриологияси» деган темада.
Н. Я. Близнецов: «Қишда уйқуга кетувчи ҳайвонлар: кулранг суғур ва сариқ юморқозиқнинг баъзи бир экологик-физиологик хусусиятлари» деган темада.
Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

1966 йил 12 май кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ҳузуридаги химия фанлари юзасидан илмий даражалар бериш бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Тарас Шевченко кўчаси, 1-уй)
Т. К. Чумбалов — химия фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Қозоғистоннинг баъзи бир ўсимликларидаги опшовчи ва улар билан бирга учрайдиган моддаларни химиявий текшириш» деган темада
Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

1966 йил 18 май кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, катта конференц-зал фойеси)
И. И. Шамсиддинов — филология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Ўзбек тили қоракўл шеваси» деган темада
Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

ПЛАНЕТАМИЗДА

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

АҚШдаги ҲАРБИЙ ЗАВОДДА ПОРТЛАШ

НЬЮ-ЙОРК, 28 апрель. (ТАСС). Бугун Американинг Чарлстаун (Индиана штати) даги порох заводида қаттиқ портлаш содир бўлди. Информация агентликларининг хабар беришича, заводнинг ер остидаги бункери портлаб кетган. Тайёр маҳсулот запаслари шу ерда сақланар экан. Портлаш натижасида уч киши «дом-дараксиз йўқолган» ва қирқ киши жароҳатланган. Портлаш шу қадар кучли бўлганки, 12 миля атрофда деразаларнинг ойнаси чил-чил бўлиб кетган. Иккинчи жаҳон уруши даврида бу завод тутунсиз порох чиқариш соҳасида жаҳонда энг йирик корхона эди. Ҳозир Вьетнамдаги уруш муносабати билан у яна тўла қувват билан ишлаётган эди.

◆ ● ◆

Венгрияда Дунай нефтни қайта ишлаш комбинатининг қурилиши давом этмоқда. Бу «Дружба» трубопроводи орқали бораётган совет нефти билан ишламоқда. Шу йилнинг охирига бориб комбинатнинг янги қувватлари ишга туширилади. Суратда: комбинат қурилишида ишлаётган Бела Катона бошчилигидаги бетончилар бригадаси.



МТИ—ТАСС фотоси.

ДОМИНИКАНА РЕСПУБЛИКАСИДА АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК, 28 апрель. (ТАСС). Ҳозирги вақтда Доминикана Республикасида бўлган Америка солдатлари доминиканаликлардан яна бир кишини ўлдирдилар. Санто-Домингодан берилган хабарларда айтилишича, Америка элчихонасини қўриқлаб турган американлик солдат милтиқдан ўқ узиб, пойафзал тозаловчи саккиз яшар ўғил болани ўлдирди.

«Нью-Йорк таймс» газетаси мухбирининг Санто-Домингодан ёзишича, бу ўлдириш Доминикана халқини ҳарбий хунтага қарши ва АҚШнинг Доминикана Республикаси ишларига қурол кучи билан аралашувига қарши қўзғолонининг бир йиллиги арафасида вазиятни янада кескинлаштиради.

Кеча Санто-Домингода реакцион генерал Вессин-и-Вессин отрядлари билан биринчи жангда ҳалок бўлган конституциячилар қабрига гулчамбарлар қўйиш маросими ўтказилди.

СМИТ РЕЖИМИ ТУГАТИЛСИН!

ЛОНДОН, 28 апрель. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Лондонга келган Бош секретари У Тан кеча Англия ҳукуматининг аъзолари билан музокараларни давом эттирди. Жанубий Родезия тўғрисидаги масала музокараларнинг асосий мавзуи бўлди. Жанубий Родезиядаги ирқчи Смит режимини тугатиш учун ҳатто қуролли кучларни ишлатишгача қатъий ҳаракат қилиш зарур эканлиги тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига жуда кўп талаблар юборилаётгандиги У Танни ташвишлантирмоқда.

Англия Жанубий Родезиядаги аҳвол учун бевосита жавобгар бўлган мамлакатдир. Англия куч ишлатишга ҳали ҳам қаршилик кўрсатмоқда ва кам натижа берадиган иқтисодий тазйиқ чоралари кўриш билан чекланмоқда.

АНГЛИЯ СМИТ РЕЖИМИ БИЛАН ЯНА МУЗОКАРА БОШЛАДИ

ЛОНДОН, 28 апрель. (ТАСС). Англия ҳукуматининг вакиллари билан Жанубий Родезия исёнчилар ҳукумати ўртасида яна музокаралар олиб борилмоқда. Бу музокараларда ҳали ҳам Жанубий Родезияда турган инглиз губернатори, Вильсоннинг шахсий секретари ва Жанубий Родезия Бош министри Смит қатнашмоқдалар.

Бош министр Вильсоннинг ўзи кеча умум палатасида шу тўғрида хабар қилди. Унинг ана шу дастлабки ғайри расмий музокараларда қатнашувчи томонларнинг биронтаси ҳам ўз зиммасига ҳеч қандай мажбуриятларни олмайди, деган сўзларни заҳарханда билан луқма ташлашнига сабаб бўлди. Англия ҳукуматининг ўтмишда Смит билан тўхтовсиз олиб борган музокаралари ирқчиларга ён бериш ва уларга ҳомийлик қилишдан иборат бўлган эди, холос.

БУЙРАК АЛМАШТИРИЛДИ

РИМ, 28 апрель. (ТАСС). Римда Италиянинг энг йирик хирургларидан бири профессор Вальдони дадил операция ўтказди. У, ўлик танадан буйрак олиб, ёш аёл Франка Тардони бўйраги ўрнига қўйди. Операциядан фақат беш кун ўтишига қарамай, бемор ўзини яхши ҳис этмоқда. Аммо профессор Вальдони икки ҳафта ўтгандан кейингина операция муваффақиятли ўтди, деб ҳисоблай оламан, деди.

ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ...

АҚШ

«Титан-СШ» ҳарбий космик ракеталар учун қаттиқ ёқилғида ишловчи тезлаштиргич ракеталар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган Кеннеди бурунидаги космик марказ электрикларининг 8 кун давом этган забастовкани тугалладилар. Низоли масалаларни бартараф этиш тўғрисида корхона эгалари билан келишиб олинди. Забастовкачилар меҳнат шартномасини янгидан тузишни талаб қилдилар.

«Уорлд Жорнэл Трибюн» номи билан янги тузилган газета бирлашмаси ҳанузгача газета чиқара олмаяпти. Газета ходимлари икки мингга яқин ҳарф терувчи, печатник, алоқачи, репортернинг ишдан бўшатиб юборилиши хавфига қарши норозилик билдириб забастовка ўтказмоқдалар.

Янги коллектив шартнома ишлаб чиқиш мақсадида бирлашма эгалари билан газета ходимлари касаба союзи ўртасида музокаралар олиб борилмоқда. Меҳнат низосига Нью-Йорк мэри Линдсей билан сенатор Роберт Кеннеди аралашди. Бироқ, шу чоққача музокаралар бирон натижага эришилгани йўқ.

Газета бирлашмасининг эгалари забастовкачиларга тазйиқ кўрсатишга уриниб, федерал судга мурожаат қилдилар ва низода қатнашаётган олтита касаба союзини забастовкани тўхтатишга мажбур этишни ундан талаб қилдилар.

БЕЛЬГИЯ

Эрсталь шаҳридаги милтиқсозлик фабрикасининг иш ташлаган ходимлари билан бирдамлик баён қилиш учун Льеж шаҳрида ўтказилган намойишда 8000 га яқин киши қатнашди. Ана шу корхонанинг 3000 ходимаси эркаклар билан тенг ҳақ тўлашни талаб қилиб, забастовка бошлаганига икки ойдан ошди.

Льеждаги намойишда қатнашмоқ учун Бельгиянинг турли районларидан жуда кўп касаба союз ва ишчи делегациялари, шунингдек Голландия ва Ғарбий Германиядан чиққан делегациялар Льежга келди. Шаҳарнинг марказий майдонида намойишдан кейин оммавий митинг бўлиб ўтди.

ФРАНЦИЯ

Кемасозлик корхоналарида одамлар ишдан бўшатиб юборилаётгани ва иш ҳақи камайтирилаётганига қарши норозилик билдириб, Тре шаҳрининг кемасозларидан 2000 киши юриш ўтказди. Тре шаҳрининг меҳнаткашлари тушган 150 та енгил автомашина билан 25 та автобус Руанга келиб, бу ерда оммавий намойиш ўтказилди.

ИСПАНИЯ

Бельбао (Шимолий Испания)даги «Бэбкок энд Уилкокс» компаниясига қарашли йирик металлургия корхонасида ишчилар ўн кунлик забастовкадан кейин маъмурият 16 ишчини бўшатиш тўғрисидаги қарорини қайта кўриб чиқишига муваффақ бўлдилар. Металлургларга ўзлари сайлаб қўйган комиссия билан музокара бошлашга завод правлениесини мажбур қилдилар. Янги демократик касаба союзи ҳаракати томонидан Испаниянинг тобора янги-янги саноат корхоналарида ана шундай комиссиялар тузилиб, улар амалда франкочиларнинг расмий «вертикал синдикат»ларини ситиб чиқармоқда.

ИТАЛИЯ

Сицилиянинг чоракор батраклари ва бошқа категориядаги деҳқонларидан бир неча минг киши янги ер ислоҳоти учун, итальян қишлоғини янгилаш сиёсати учун кураш кунида иштирок этди.

Адрано шаҳрида катта намойиш бўлиб ўтди. Намойишни меҳнат палатаси, батраклар касаба союзи ва деҳқонлар союзи уюштирди. (ТАСС).

ФУТБОЛ

ИШҚИБОЗЛАРНИ РАНЖИТМАНГ

Барнаул шаҳрининг «Темп» командасини ўз майдонида қабул қилган Фарғонанинг «Нефтяник» командаси футболчилари ўйинни ҳужум билан бошладилар. Лекин меҳмонлар ташаббусни ўз қўлларига олиб, майдон эгалари дарвозасига хавф сола бошладилар. Дарвозабон Г. Гаркановнинг чаққонлиги командани мағлубиятдан сақлаб қолди. Оқибатда ўйин дуранг бўлиб тугади.

Ҳали олдинда масъулиятли мусобақалар турибди. Команда ана шу учрашувларга жиддий ҳозирлик кўрмаса, ўз муҳлисларини ранжитиб қўйиши мумкин.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Бизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши—В33469. В37221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31226. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиши ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалик — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот — В32317. Оммавий ишлар ва хатлар — В39005, В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ — 97. Индекс 64543. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р. 08374.